

У.д.2  
89  
Р:26

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ  
ТАҲЛИЛ ЙЎЛЛАРИ

Филолог-бакалавриатлар учун  
ўқув қўлланма

Тошкент – 2003

Чуб.2  
89  
Р-26


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети

АБДУҒАФУР РАСУЛОВ

# АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ ТАҲЛИЛ ЙЎЛЛАРИ

Филолог-бакалавриатлар учун  
ўқув кўлланма



Тошкент – 2003

21234

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
ToshDO'TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

*Масъул мұхаррір:* п.ф.д., проф. К. Йұлдошев.

*Тәкрайчылар:* ф.ф.д., проф. Нұсьмон Раҳимжонов,  
ф.ф.д., проф. Ҳамидулла Болтабоев.

Филология фанлари доктори Абдуғафур Расуловнинг мазкур ўкув қўлланмаси янги ўзбек танқидчилиги материаллари асосида ёзилган. Муаллиф адабий танқиднинг илмий-назарий масалаларини қиёсий, типологик йўналишда ёритишга ҳаракат қилган. Ўйлаймизки, мазкур ўкув қўлланма талабаларнинг адабий танқид назарияси бўйича билимини бойитади, таҳлил йўллари, таҳлил услуби билан яқиндан танишитиради.

## БАДИЙ ТАҲЛИЛ ЙУЛЛАРИ

Таҳлил – адабий-танқидий фаолиятнинг асоси, талкиннинг на-  
моян бўлиши, қадрият баҳосининг зуҳурланиши. Таҳлил-матн моҳия-  
тига кириб бориш, маъно катламларини кунт, зийраклик билан ўрга-  
ниш, сўзлар, ҳатто оҳангларга юклangan вазифа-маъноларни қалбининг  
нафосига тарозусида ўлчаш. Таҳлил-сатрлар силсиласини англаш, улар  
куниятини белгилаш, маънолар катламларини синчковлик билан ўр-  
ганиш. Дейлик, шоир: «Сўйласин ўрхун хати» деган матн яратган  
жами, мунакқид шу матнни ижодий ўкиши, таҳлил қилиши, бутун бор-  
ни и билан тинглаши, кўхна битик “тарихи”ни ёритиб бериши жоиз.

Адабий матн – белгилар, имо-ишоралар пардасига ўралган  
тилсим. У услубий бетакрорлик, кўницилмаган оҳанг. Қилни кирк  
тилсимиш, маҳоратдан заргарга дарс берадиган мунакқидгина тилсим-  
лар сирини англайди, услуб, оҳанг бетакрорлигидаги маъноларни  
очиб беради. Ҳозирги ўзбек адабиётида семиотик (имо-ишоралар,  
белгилар) таҳлилига тоб берадиган асарлар бор. Мухими, кейинги  
йишишарда мумтоз, замонавий ўзбек шеъриятини семиотик таҳлил қи-  
шинига йўналтирилган асарлар пайдо бўлмоқда.

Адабий матн мураккаблашиб, имо-ишоралар кучайиб, маънони  
нардашиб ифодалашиб йўсинглари кўпаймоқда. Модерн адабиётни ўзлаш-  
тириши алоҳида тайёргарликни талаб этмоқда. Ўртacha китобхон маш-  
ҳур асарларни укиш, ҳузур килишдан маҳрум бўлиб қолаяпти. Аксара-  
ният китобхонлар Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романини маза ки-  
либ ўқиганлар. Лекин ҳамма китобхон ҳам шу романдаги матн ости  
маъноларни, имо-ишораларни англаб етганмикан? Рус танқидчиси  
Лев Аннинский «Кентаврлар пойгаси» мақолосида «Қиёмат» романи-  
ни шундай таҳлил киладики, кишида ҳавас уйготади. Мунакқид  
исарини асосий қаҳрамонларидан бирининг исми, насаби мазмунни  
дан романнинг муҳим қалитини топиб олади. Авдий – гуноҳларни ке-  
чируши; Иниокентий – шафқат қилинган, бегуноҳ; Калистрат –  
екимтой жаниғи, жаҳолатга қарши борувчи, деган маънони англатар  
иши. Макола нировардида Л.Аннинский ўзининг барча ҳамкаслари-  
ни күплик килади: «Сизларни, мунакқидлар, Айтматов роса тузлади!  
«Қиёмат» – белгилар, имо-ишоралар романи. Унда янги замон тафак-  
куриш

Хүш, модерн адабиётда имо-ишоралар, белгилар, интеллектуал даража ортиб бораётган, адабий мати сирли бойликка, тилсимланган хүзурга айланаётган экан, унга эришиш йүллари қандай, китобхонга (танкидчига ҳам) йўл-йўрик кўрсатадиган восита, адабиётлар мавжудми? Бизда китобхонлик, унинг даражаси ҳақида кўп гапирилади-ю, аммо муаммонинг ҳал қилиш йўлларига эътибор берилмайди.

XX асрнинг етмишинчи йилларидан эътиборан Фарбий Европа, Америка ҳалқлари адабиётшунослиги ва танкидчилигига китобхон муаммосига алоҳида эътибор берилди. Ўзлаштириш эстетикаси фан сифатида ривожланиб, ўз мавқеини мустаҳкамлай бошлади. Ганг Роберт Яусс, Уилсон Найт, Де Хаард, Вольфганг Изер, Роберт Пенн Уоррен, Рене Үэллек, Нортрон Фрай, М.Рифатер сингари олимлар китобхонлик муаммолари билан шугулландилар. Булар инглиз Томас Элиот (1888-1965), рус Валентин Асмус (1894-1975) сингари олимларнинг эстетика, адабиётшуносликка оид қарашларини изчил давом эттиридилар. Айникса, «Поэзиянинг вазифаси ва танкиднинг ўрни» (1933, Т.Элиот) асари улар учун таянч вазифасини ўтади. Бадиий асарнинг ўқилиши, ўзлаштирилиши муаммолари немис олими Вольфганг Изернинг «Имплицит китобхон» (1976), «Ўқиш ҳолати» (1978) китобларида ўртага қўйилган. Олимнинг таъкидлашича, ҳар қандай бадиий матнда икки кутб мавжудdir. Биринчи кутб бадиий матннинг мукаммаллигига тааллукли.

В.Изернинг таъкидлашича, адабий матнда яширин (имплицит) китобхон фаолият кўрсатади. У ҳамиша реал китобхон билан рӯбару келади: асарнинг эстетик бойлиги имкониятини реал китобхонга юктиради. Адабий матннаги бадиийлик кутби ўзгармаган ҳолда, эстетик кутб-имплицитив китобхон реал китобхон таъсирида ўсиб, ўзгариб боради – замоннинг эстетик – маънавий эҳтиёжларига юз буради. Шундай асарлар борки, китобхон (танкидчи)даги эстетик эҳтиёж бойиб, ортиб боравергани сайн матннаги захира каватлар, имкониятлар ўзини намоён эта боради. Буни В.Изер маънолар зич, тифизлигининг континууми (кат-катлиги) дейди. Адабий матн ҳеч качон бир йўналишдага ахборот ёхуд ҳужжат сифатида кабул килинмайди. У ҳамиша, ҳар качон маънолар кўпкаватлилиги, зичлиги маанбандир. Бадиий матн талкин килинган реаллик ортида юз курсаттган яна аллакандай тушунчалар, ҳолатлардан хабардор килиши жонз. Гоҳо шундай бўладики, одам қанча сув ичса ҳам чанқоги конмайди. Ҳакикий бадиий асар руҳий – маънавий чанқокни орттириб, кўчайтириб,

айни вактда онг билан эмас, калб билан англаш туйғусини ўстириб бораверади.

Ўқиши ҳолати, адабий матннинг бадиий имкониятлари, эстетик завқ – шавкнинг даражаси ҳакида гап борар экан, Чўлпоннинг «Улуг Ҳиндий» маколасидаги мана бу гап – муносабат ёдга тушаверади: «Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фуркат, Мукимиylарни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил!

Кўнгил бошка нарса – янгилик кидирадир: Боту, Гайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқиймен, кувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнғон чироклар бўлса, менинг эртам учун! Авлоний, Тавалло, Сиддикий ва Ҳакимзодаларни ўқимаймен, ўқумаймен, мени шу ҳолга солғон ўшалар!...<sup>2</sup>

Чўлпон фикрини ҳар ким ҳар хил талкин килади. Менимча, Чўлпон маъноси теран, китобхонни ром этадиган, ўйлантирадиган асарларни орзу килиб, аксинча, панд-насиҳат йўсенинаги, маъноси саёз асарлардан нолиб, юқорида келтирганимиз – фикрни айтган.

Ўқиши ҳолати ҳакида тўхталинар экан, В.Изер қабул килишининг жамлаш кўринишига эътибор беради. Биронта китобхон йўқки, у асарни бевосита, кандай бўлса шундай қабул килсан. Китобхон асарни ўқир экан, замоннинг мазмун ва ижтимоий ҳолатини, эстетик хис ва шаклланган дидни, ўқилаётган асарнинг қабул килиниши тарихини кўшиб олиб боради. Бошқача айтганда, ўқиши, истеъмол килиш жараёни ижтимоий-маънавий карашлар билан тўлдирилиб, бир нуктага ўюнтирилиб оптика ҳолатига келтирилиб берилади. Демак, бадиий матнни ўзлаштириш ўта мураккаб ҳолат, жараёндир.

В.Изернинг «Ўқиши ҳолати» асарида бадиий матннинг мутахассис китобхон (танқидчи) ва оддий қабул қилувчи томонидан ўзлаштирилиши масаласига алоҳида эътибор берилади. Оддий китобхон асарни ўзича қабул килади, унинг караши, тушунчаси ўзига хос бўлади. Мутахассис китобхон – танқидчи асарни ўқир экан, беихтиёр жамиятнинг эстетик карашларини сингдириб юборади.

Хозирги ўзбек танқидчилигига кизик бир ҳолат қузатилмоқда. Яъни, XX асрда, Шўро даврида ижод этган истеъододли шоирларнинг асарларида истиклол, Мустакил Ўзбекистон куйланганлиги аниқ кўриняпти. Чўлпон шеъриятининг асосий масалаларидан бири – эрк, озодлик эди. Шоирнинг озодлик, инсон эрки ҳақидаги асарлари буғунги ўкувчининг маънавий – эстетик эҳтиёжларини қониктирмоқда. Абдулла Орипов ўз ижодини 60-йилларда, Ўзбекистон истиқболидан 30 йил мукад-

<sup>2</sup> Чўлпон. Адабнёт надур. –Т.: Чўлпон, -1993. -Б. 57-58.

дам бошлаган эди. Унинг аксарият асарлари Ўзбекистон мустакиллиги йўлида «курашганилиги» очик – ойдин кўринмоқда.

Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» касидаси, «Инсон» ғазали, «Шарқий кирғоклар», «Қалб шундай уммонки...», «Куллик қил демасман» шеърлари катида эрк алантаси сезилиб туради.

Шавкат Раҳмон истиқололга бундай ишонган эди:

*Порлар тошга дўнган сўзларим,  
Порлар мангу одамий руҳим.<sup>3</sup>*

Хуллас, таҳлил ва унинг турли шакл-шамойиллари танқидчи истеъодининг кўрсаткичи, талкиннинг синалган воситалари, ишонарли баҳо ифодаси.

## МИКРОАНАЛИЗ ИМКОНИЯТЛАРИ

Микроанализ – кунт билан ўқиш, мағзини чакиши оркали таҳлил килиш. Адабий матнни синчилаб ўрганиш, биринчидан, ундаги узук-юлукликни, парокандаликни, иккинчидан, матндаги «синган», «мажрух бўлган» ўринларни, уччинчидан, бир услубнинг бегона услуб билан алмашиб колишини, тўртингидан, матига сингишиб кетмаган, «бегоналигича» колиб кетган образларни, бешинчидан, асар муаллифи руҳияти-холатида рўй берган ўзгаришларни бехато кўрсатади. Кунт, диккэт-эътибор билан таҳлил килишга – микроанализга мисоллар кўп. Самарқанд Давлат университетида XX асрнинг 60-йилларигача профессор бўлиб ишлаган, синчилаб ўқиш методини янгича карашлар билан бойитган Я.О.Зунделович Ф.М. Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини синчилаб ўрганар экан, машҳур роман матнига ташқаридан аралашув бўлганини, асл матннинг баъзи ўринлари соҳташтирилганлигини сезади, ўз карашларини баён этади. Кейинчалик тадқиқотчи В.Я Кирпотин архив материалилари, Ф.М.Достоевскийнинг мактубларини ўрганиш натижасида ҳакикатан ҳам «Жиноят ва жазо» романи матнига четдан аралашиш жинояти рўй берганини аниқлайди. Аникроги, «Жиноят ва жазо» романининг

<sup>3</sup> Шавкат Раҳмон. Сайланма. –Т.: Шарқ, -1997. –Б. 155.

хотима кисми адабий амалдорларнинг аралашуви билан ўзгартирилганлиги факти ойдинлашади<sup>4</sup>.

ХХ аср ўзбек танқидчилигига синчиклаб ўкиб, холис талқин килинган асарлар бор. Масалан, Вадуд Маҳмуд Чўлпон лирикасини синчиклаб ўқиган, маҳорат билан таҳлил қилган. Ойбек ҳам 20-йилларда Чўлпон лирикаси ҳакида самимий карашларини ифодалаган. Танқидчилик 40-йиллардаёк А.Қаҳхор ҳикояларини, Ҳамид Олимжон лирикасини (Ойбекнинг «Армуғон» тўпламида (Тошкент – 1944 йил) босилган «Оташин ватанпарвар ва талантли шоир» мақоласи назарда тутилади – А.Р) синчиклаб ўқиш орқали таҳлил қилган. 50-60 йилларда М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов сингари мунаққидлар матн таҳлилига асосланган танқидни ривожлантирилар. Кейинчалик Наим Каримов, Бегали Қосимов, Шерали Турдиев,Faффор Мўминов, Нўймон Раҳимжонов, Бойбута Дўсткораев сингари адабиётшунос – танқидчилар бадиий асарни асл матн асосида тадқикот олиб бориш коидасини асос килиб олдилар. Раҳмон Кўчкор, Яшар Қосим, Сувон Мели, Баҳодир Карим сингари адабиётшунос-танқидчилар асл матнга асосланган ҳолда хулоса чикармоқдалар. Афсуски, 20-йиллардан бошлиб ўзбек танқидчилигига бадиий матнга бепарволик билан караш, унга юзаки муносабатда бўлиш кайфияти авж олди. Олим Шарафиддинов, Усмонхон, Сотти Ҳусайн, Раҳмат Мажидий, А.Саъдий сингари танқидчилар бадиий матнни, синчиклаб ўқиши мухим деб билмадилар. Бадиий матнга бепарво муносабатда бўлиш ўзбек шўро танқидчилигини обруқлизлантиради. Танқидчилигимизнинг яқин тарихида шундай макола, тадқикотлар борки, уларни ўқиб уялиб кетасан киши. Ваҳоланки, микронализ – сўзни хис килиш, ёзувчи услубини англаш, матн мағзини чакиш.

Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеъри – юксак санъат намуналаридан: унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир белгиси буюк севги, садоқат, вафо рамзи. «Аёл» – муқаддас китоб оятидай аниқ, лўнда, пишиқ, мазмунан теран шеър. Очил Тоғаев мазкур шеърни тушунмасдан, хис кильмасдан таҳлил килади. Таъбир жоиз бўлса, мунаққид қадриятнинг муқаддас тарозусида ўлчаниши – баҳоланиши лозим бўлган асарни карам, картошка, гўшт сингари моддий неъматлар тортиладиган тарозуга кўйиб тортади: асарни хўрлайди, шоирнинг муқаддас туйғуларини поймол килади. Наҳотки Абдулла Орипов «Аёл» шеърини ярататётганда Очил Тоғаев даъволарини хаёлининг бир чеккасига

<sup>4</sup> Маълумот Ю.Боревнинг Искусство интерпретации и оценки (-М.: Советский писатель, - 1981) китобининг 74-саҳифасидан олинди.

келтирган бўлса?! Абдулла Орипов тасвирлаган муқаддас Аёл қаёқда-ю, Очил Тоғаев маколасида ўрнак килиб кўрсатилган серпушт хотин каёқда?! Очил Тоғаев ёзди: «...аёлнинг уруш келтирган жудолик, алам-изтиробларнинг асири бўлиб, дунёдан тоқ ўтиши урушнинг ҳаётга келтирган зарарини яна чукурлаштириш, келажак авлоднинг нуфусига зарар етказиш эмасми?! Бошқача айтганда, узлатга чекиниб ҳаёт кечириш авлодларо асрий алока – ворислик кўпригига раҳна солиш демақдир»<sup>5</sup>. Шўро танқидчилигида «ёзилмаган бир қонун», 20-30 йилларда ижод этган Иван Архипович Виноградов (1902-1936) таъкидлаганидай, «цитата тафаккури» деб номланган усул бор эди. Яъни, мунакқид ножӯя бир гапни, даъвони шартта айтарди-да, дархол ўзини марксизм-ленинизм улуғларидан ёхуд амалдор шахс томонидан айтилган фикр – иктибос панасиға оларди. Очил Тоғаев «Аёл» шеърини ер билан яксон қиласида-да, ўзини буюк Лев Толстой панасиға олади. Эмишки, Лев Толстойдай буюк санъаткор ҳам «Ҳазрат Сергий» киссасида умрининг асосий қисмини узлагттоату ибодатда ўтказган улуғ зот ҳаёт шомида нафси амморага эрк берган, ёш киз билан машнат килганмиш. «Ҳазрат Сергий» киссаси мағзи чақилса, Л.Толстой нафси аммора каршисида таслим бўлган гуноҳкор банда руҳидаги мураккаб ҳолатларни ишонарли таҳлил килганини англаш мумкин. «Аёл» ҳам, «Ҳазрат Сергий» ҳам санъат асарлари. Лекин икки санъаткор масалани ёритишга, асар «жони»ни харакатта келтиришга ўзғояси нуктаи назаридан ёндашган.

Бадиий асар моҳиятини жўн – вулгар – утилитар тушуниш, талқин қилиш Н.Худойберганов асарларида учрайди. Бу танқидчи фактларни дастак килиб олади-да, моддиюний мантик асосида иш кўради. У хис қилиниши, англаниши мумкин бўлган нарсаларни, санъатдаги шартлилик, рамзийликни ҳамиша ҳам тан олавермайди. Н.Худойберганов асарларидаги дадиллик, шиддат кишини ром этади-ю, улардаги талаб, даъволар ўқувчини бэздиради: «хўш, ёзувчи(танқидчи) бу билан нима демоқчи?», «бу ерда кандай кашфиёт бор» - сингари саволлар билан ракибини шошириб кўяди. Фикризни мунакқиднинг «Иzlаниш керак, аммо...» маколасидан олинган парча воситасида исботлашга жазм қилдик: «...Рубобим тори иккидур» шеърини ўқий бошлиймиз:

*Рубобим тори иккидур,  
Бири қувноқ, бири маҳзун.*

<sup>5</sup> Тоғаев Очил. Севғи ва садоқат. //Тулистан, -1983, № 8.

Тасаввур қилингки, рубоб торларидан бири шодлик, баҳт-саодат, иккинчиси ғам-аламларни, қайғуни кўйлаяпти! Уқувчи шу кўйлар билан кизикади, уларнинг моҳиятини англашга интилади. Ахир, бир-бирига мутлако қарама-карши туйғулар турмуш мураккаблигини билдиради ва улар оркали инсонийлик, ҳакконийлик, самимийлик моҳиятини очиб бериш қулай эмасми?! Баҳтга карши, шеърнинг кейинги сатрлари ниятимизга зид чика бошлайди.

*Ки байтим сатри иккидур:  
Бири дилхуши, бири дилхун?*

Таажжуб, ҳали рубоб торлари ҳакида сўз очилганди, энди эса гап нима учундир шеърий сатрларга кўчди. Бунинг сири кейинги мисраларда очилиб колар:

*Нигорим чашии иккидур:  
бири яғмо, бир жоду,  
Шу жодудан икки кўзум  
Бири Сайхун, бири Жайхун.*

Қаранг-а, рубоб торлари, шеър байти бир ёқда колиб кетиб мутлако бошка фикр ифодаланяпти: севикли ёр, унинг кўзлари, кўзларининг таърифлари бериляпти. Борингки, буни қонуний ҳол деб ҳисоблайлик, лекин гўзалнинг кўзлари нима учун жодуга, яғмога, хатто Сайхун ва Жайхунга киёсланганди?..

Шоир ғазал битаётганда рубоб торлари, гўзал ёр, дилбарни эслабди, сўнгра сайрга чикибди, кайтиб келса, икки дўсти ташриф буорган экан, бирок буларни айтиб бизга нимани ўргатмокчи, кандай завқ-шавқ бермокчи? Афсуски, саволга каноатланарли жавоб топиш кийин. Ахир, шеърнинг бир бандида бир фикр, иккинчисида яна бошка мулоҳаза, учинчисида тагин бир ҳукм-хulosса ифодалангандан кейин нима бўларди?! Пировардида, китобхон шоирдан: ҳар бир сўзингиз, ҳар бир калимангиз бизга гоявий-бадиий озука бериши керак, ҳар бир сўз маънавий сабок бериши зарур, деб талаб килишга ҳакли»<sup>6</sup>.

Синчиклаб ўқиши маълум фурсат санъаткор руҳига кириш, унинг асл максадини англаб етишdir. Санъаткор боғдан келса-ю, танкидчи тоғдан келса, синчиклаб ўқиши-ҳакикий таҳлил бўладими?

<sup>6</sup> Худойберганов Н. Чўккилар чорлайди. –Т.: Адабиёт ва санъат, -1975. –Б. 138-141.

Микроанализ – синчиклаб ўкиш, аслида бадий асарнинг таъсир қувватини ошириши, унинг янги-янги катламларини кашф этиш. 20-30 йилларда бадий асарни восита килиб олиб, ёзувчига сиёсий айб кўйиш иллати вужудга келди. Бора-бора шундай мантиқсизликлар пайдо бўлди, акли расо одам: «Наҳотки, наҳотки...» дея ёка ушлади. Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаххор» асарида нохолис, илмга заррача даҳли йўқ «танқид» намунасини мисол килиб келтиради. «Тажрибали адабиётшунос, профессор Абдураҳмон Саъдий айрим ўзбек ёзувчиларини гоясизликда айблаб шундай деган: «Энди Уйгуннинг «Раккоса» шеърини кўрайли. Қандай раккоса бу – совет раккосасими ёки бошками? Ахир, буржуа жамиятида ҳам раккосалар кўп. Йўқ, бу ўринда совет раккосаси кўринмайди...»

Менинг собик шогирдим Зулфиянинг «Халқ» шеъри ҳакида бир оғиз гапираман. Бу шеър, ўртоклар, юз фоиз индивидуалистик буржуа поэзиясининг намунаси...

Миртемирнинг «Амударё» шеърини олайлик. Шеърни ўқиб чикқач, ўзингга ва шоирга савол берасан – қайси Амударё бу? Феодал давридагими, буржуазия давридагими ёхуд совет давридагими?... Бундай асар ҳеч нарсага ярамайди. Бу Миртемирнинг жуда катта гоявий камчилигидир». Кўриниб турибдики, адабиётга бундай ёндашибиша илмийлик ўрнини, объективлик ўрнини сиёсатбозлик, демагогия, дўқ-пўписа эгаллаган<sup>7</sup>.

XX асрнинг 70-йилларига келиб адабиётшуносликдаги икlim ўзгарди. Матншунослик, манбашуносликка эътибор кучайди. Навоий, Ойбек, Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон сингари ижодкорларнинг кўп томли асарлари чоп этила бошланди. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» устида иш бошланиб кетди. Матн мағзини чақиш томон бурилиш бўлди. Афсуски, шу йилларда матнга беписандлик билан яратилган асарлар ҳамон сероб эди. 1987 йилда рус тилида чоп этилган «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобининг I жилди фикримиз исботи бўлади. А.Қодирийнинг «Мехробдан чён» романига бағишланган кисмда мана бундай «ихтиро»ларга дуч келамиз: «Анвар – қашшоклашган бўёқчи (!) Солих Маҳмуднинг ўғли». Раъно хон ҳарамига олиб борилмаганлиги, канизлар каторига қўшилмаганлиги барчага аён. Лекин «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратувчилар: «Хон ҳарамидан кочиш фикри Анвардан эмас, Раънодан чиқди» – деб ёзадилар. «Ўткан кунлар» яратилибдики, Абдулла Қодирий тарихга синфий нуктаи назардан бокмаганлиги боис ур

<sup>7</sup> Шарафиддинов О. Абдулла Қаххор. -Т.: Ёш гвардия, -1988. -Б. 174-175.

калтак, сур калтак килинади. Ёзувчига хайрихохлик қыммокчи бўлганлар эса «Мехробдан чаён»нинг асосий қаҳрамони оддий ҳалқ вакили эканлигини хамиша эслатадилар. «Ўзбек совет адабиёти тарихи»да мана бу «янгилик»ка дуч келамиз: «Ҳар икки романда ёзувчи ижобий қаҳрамонларни ҳалқ орасидан топади, унинг барча салбий персонажлари – ёзувчи синф намояндлари». Ҳозиргина ижобий қаҳрамонларни оддий ҳалқ вакили деб турган муаллифлар Ръяно, Султоналини шу каторга қўшиб кўядилар. «Ижобий қаҳрамонлар Анвар, Ръяно, Султонали, Сафар бўзчи, Кобилбой, Шариф, Раҳим ва уларнинг дўстлари индивидуаллаштирилган. Абдулла Қодирий уларни инсонпарвар, ҳакикатгўй, дилдан сева оладиган вафодор килиб тасвирлайди». Ижобий қаҳрамон, персонажлар ҳозиргача кўкларга кўтарилиган эди. Энди бўлса: «Худоёрхон ва унинг яқинларини ҳакконий ва ишонарли тасвирлай олган ёзувчи Анвар, Ръяно, Султонали, Сафар бўзчи ҳалқ вакиллари намояндлари тақдирни ва характеристики чуқур ёрита олмаган»<sup>8</sup>, – деган томдан тараша тушгандай холосани ўқиймиз. Қўринадики, «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратганлар бадиий матн масаласига деярли эътибор бермаганлар. Ваҳоланки, дарслик, «тарих»ларда матнни ўкиши масаласида ниҳоятда синчков, зийрак бўлмоқ жоиз.

Матннинг мағзини чақишни, сатрлар сийратига синчиклаб қарашни машҳур асарлар талкинлари орқали кўрсатилса, микроанализ моҳияти аник қўринади. XX аср ўзбек адабиётида «Бой или хизматчи» ярим асрдан мўлрок вақт давомида асосий, таянч асар бўлиб келди. Бу асар мактаб ўкувчилари онгига чуқур сингдирилди, аксарият ўзбек театрлари ҳар йилги мавсумларини шу асар билан бошладилар. «Бой или хизматчи» соцреализмнинг етук асари сифатида хорижий мамлакатларда ҳам ўрганилди. Фоявий – мафкуравий жиҳатдан юксак бу асарнинг поэтикаси, структураси (таркиби) кандай эди? Ҳамза қаламига мансуб бу асар 1918 йилда ёзилган, бир қанча вақт саҳнада кўрсатилган эди. Лекин асар матни сакланмаган. Ҳамзанинг 5 жилди мукаммал асарларининг 3-жилдида (Тошкент, «Фан» – 1988) уч саҳифада берилган. Ҳамзанинг «Бой или хизматчи» асари 1939 йилда Комил Яшин томонидан қайта ёзилган. Наим Каримов фикрича, «Бой или хизматчи» 1939 йилда Комил Яшин «томонидан тикланган» деб эмас, балки қайта ишланган ва таҳrir этилган нусха деб аташ тўғрирок бўлади<sup>9</sup>. Комил Яшиннинг эътирофича, у «Бой или хизмат-

<sup>8</sup> История узбекской советской литературы. В 5 томах. I том. –Т.: Фан, -1987. –С. 154, 157.

<sup>9</sup> Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. –Т.: Фан, -1988. –Б. 62.

чи»нинг саҳнабоп вариантини яратган<sup>10</sup>. Шоир Мирализ Аъзамга колса К.Яшин Ҳамза асарини бузиб кўрсатган<sup>11</sup>. Адабиётшунос Сувон Мели «Бой ила хизматчи» Комил Яшин томонидан тикланганлигини айтади.<sup>12</sup>

«Бой ила хизматчи»нинг тикланган нусхаси ҳакида ўзбек адабиётшунослигига ўндан ортиқ макола ёзилди. Лекин деярли ҳеч ким мазкур асардаги услугубий курок (баланд-паст)лик ҳакида ёзмади. К. Яшин нусхасида Ҳамзанинг бошқа асарлари (масалан, «Бурунги сайловлар»)дан кўчган услугуб, Комил Яшиннинг ўз услугуби, кайсиdir даражада «Кеча ва кундуз» романи услугуби сингарилар сезилади. Мана, сўз санъаткори, характер нутқини яшнатиб юборадиган Ҳамза услугуби: «Мана энди шуҳратингдан ўргилай, мўъжазгина, у тиззадан – бу тиззага учеб кўнадиган Жамилахоннинг дарагини эшишиб қолгандан бўён, бой поччадан ҳам илгари, бизнинг юрагимиз диринг – диринг ўйнайди. Билмайманким, у жонимни олгур, бойга тегиб олиб, бизнинг бу кир чопон билан, ёғлиқ дўппини назарларига илармикан? Мана бизда бу янги ишқ мижозининг ғами...» Холматнинг мазкур сўзлари Мулладўст сўзларини эслатади.

Холмат бирдан камбагал Фофирилнинг дўсти эканлигини эслаб қолади-да, Комил Яшин услугуби билан гап бошлайди: “Шошманг, Холматжон Тўра, ўзингча нима деб вайсаяпсан? Ҳадеб бойга пашанг берасан! Бой кимни олмокчи! Жамилани–ку!.. Ўз Фофирилизнинг хотини...!” Тикланган нусханинг учинчи пардасида Солиҳбойнинг маҳрами, хонаки масхарабози Холмат ҳоким ҳузурида: “Ҳой, ҳақикат борми, ҳақикат?” дейа исён кўтарадики, бу ҳам тамоман ёт услугуб.

Тикланган нусхада мантинка зинхор мос тушмайдиган ҳолат бор. Солиҳбойнинг яккаю ягона меросхўри, Гулбаҳордан тугилган чақалок ўғилчаси ҳозиргина қайнок сувда куйиб ўлган. Ушбу дақиқалардаги Солиҳбойнинг ҳолати: «Бой (кўзини Жамиладан узмай). Қандай офати жон? Қандай малак бу? (Хотинларга) Йўқолинг!... Бу нима гап? Яна шуни кўрдим-у, ўтдай ёниб турган одам мулойим бўлдим-колдим. Қара, қандай соз, қандай тиник нарса бу? Ҳе, бу дунё беш кун... Бешови ҳам кора кун. Ўйнаш керак, кулиш керак. Қандай келишган нозанин бу?». Биринчидан, Ҳамза бундай ёзмайди. Иккинчидан, ёши бир жойга бориб қолган бойнинг ёш болаларча ошиқ бўлиши нотабиий.

<sup>10</sup> Яшин. Давр овози. //Совет Ўзбекистони, -1989, -5 март.

<sup>11</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. -1989, -№ 1. -Б. 18.

<sup>12</sup> Сувон Мели. «Бой ила хизматчи» ёки тикланган нусха муаммоси. //Ёшлик, -1989. -№ 11. -Б. 68-72.

Тикланган нусхадаги Ҳожи она на суврати, на сийрати билан ўзбек онасига, устига устак, ҳаж маросимини ўтаган сиймога зинҳор ўҳшамайди: Ҳожи она: Менинг уйимда текин овқат йўқ. Фофирига айтинглар, хотини чиксин, ишласин! Қаллиқбозлик ҳам икки-уч кун бўлади-да, худо урди кетди! Бўлмаса куч-кўронини онасининг уйига жўнатсан... Оллоҳу Карим, мўминларга тавфик бер. Кўпнинг като-рида имонимни басаломат сакла!»<sup>1,2</sup>. Бундай услуб Ҳамзага тамоман бегона.

Сувон Мели «Бой ила хизматчи»нинг тикланган нусхаси ҳакида ўта қалтис бир масалани кўтаради:

«Қиска вақт ичиди Пошшоийим, Ҳонзода, Гулбаҳор каби ҳар бири индивидуал киёфага эга бўлган образларни йўқ жойдан бор қилиш осон эмасди.

Менингча, воеалар тахминан шундай кечган. Етим Бобожонов-нинг Солиҳбой хонадонининг ички ҳётини қўрсатиш кераклиги ҳакидаги жўяли мулоҳазаси шундай фикр туғдирган: Тўхта, ... Чўлпоннинг босилиб чиккан романида режиссер айтганга ўхаш эпизодлар бор-ку, улардан нега ижодий фойдаланиш мумкин эмас. Ким билиб ўтирибди, Чўлпон номини тилга олиш ўлим билан тенг пайтда, Чўлпондан ўзлаштирибсан дейишга кимнинг юраги бетларди»<sup>3</sup>. «Кеча ва қундуз» романида Акбарали мингбошининг Хадича-хон, Пошшохон, Султонхон, Зебихон исмли хотинлари бор эди. Энди «Бой ила хизматчи» тикланган асаддаги Солиҳбойнинг хотинлари Пошшо ойим, Ҳонзода, Гулбаҳор. Маълумки, кейинчалик зўрлик билан Жамилага ҳам уйланади. «Бой ила хизматчи» номли тикланган нусхадаги бой хотинлари руҳияти, хатти-харакатлари, макрлари Акбарали мингбоши хотинлари руҳиятига жуда якин. Ўйлаб кўрилса, мазкур ўхашликда, тикланган нусха муаллифини ҳар канча ҳимоя килмайлик, плагиат (кўчирмачилик) ҳиди анкяяпти. Комил Яшин талантли, давр руҳини нозик хис этадиган ижодкор сифатида 30-йиллар охиридаги шўро алабиёти хусусиятларини, айникса, социалистик реализм методи талабларини ўрнига кўйган.

Адабиётшунос Аҳмад Алиев «Фитрат ва унинг «Арслон» драмаси»<sup>4</sup> маколасида, афсуски, яна фикримизни «Бой ила хизматчи»нинг нусхасига тортади. «Арслон»да Мансурбий деган бой тимсоли бор: у

<sup>1</sup> Ҳамза. Асадлар. 5 т. Т. 3. –Т.: Фан, 1988. –Б. 224.

<sup>2</sup> Шу асар. –Б. 217.

<sup>3</sup> Юкорида келтирганимиз Сувон Мели маколаси //Ёшлиқ, -1989. -№ 11. –Б. 71.

<sup>4</sup> «Гулистон» журнали. -1989, -№ 12.

Солиҳбойга ўхшайди. Бойнинг Тўлинай исмли чўри-хизматкори бор. Тўлинай Арслонни севади. Мансурбий Тўлинни кўлга киритиш учун шундай хатти-харакатлар килиб, йўл тутадики, у Солиҳбойнинг қилмишларини ёдга солади. Аҳмад Алиев К.Яшин Солиҳбой ва Жамила муносабатларини тасвирлашда Фитратнинг «Арслон» драмасидан унумли фойдаланганигини ёзди.

Адабиётшунос Наим Каримов «Бой ила хизматчи» драмасининг тикланган нусхаси хусусида билдирилган фикр-мулоҳазаларни куйидагича хуласалагандай бўлади: «Адолат юзасидан айтганда, пьесанинг 1939 йил вариантини Яшин томонидан «тикланган» деб эмас, балки кайта ишланган ва таҳrir этилган нусха деб аташ тўғрирок бўлади.

Хўш, Яшиннинг бунга ҳаки бормиди? Ҳамза асарининг гоявий-бадиий қувватини ошириш унинг вазифасига киравмиди? Киради, албатта. Зеро, у Ҳамзанинг машҳур асари бундан кейин ҳам адабиётимизнинг гултожи бўлиб колиши керак, деган эътиқоддан келиб чиккан ҳолда пьесани кайта ишлашга киришди»<sup>15</sup>.

Машҳур асарларнинг унутилиб кетишига зинхор йўл қўйиш керак эмас. Лекин шуниси ҳам борки, ҳакикий асар-мукаммал таркиб (структуря): ундаги ҳар сўз, белги, ибора, картина яхлитликни, бир бутунликни тасдиклайди. Адабий матн нуқтаи назаридан караганда, К.Яшин томонидан кайта тикланган «Бой ила хизматчи» конгломерат, ямок-яскок асар. Унда Ҳамза, Яшин, Чўлпон, Фитратларнинг услуби коришиги бор. Иккинчидан, Ҳамза яратган драмадаги Солиҳбой, Жамила, Ғофирлар каторига бир канча образлар кўшилганки, улар матн бирлиги, уйғунлиги нуқтаи назаридан асарга сингишиб кетмаган. «Бой ва хизматчи»нинг тикланган нусхаси гоявий – мафкуравий асар сифатида шўро тузумига хизмат килди. Лекин маънавий эстетик бир бутунлик, яхлитлик сифатида машҳур бўлиши мумкин эмас эди. Шўро ҳукумати тугатилгач, унинг гоявий – мафкуравий тиргакларига ҳам зарурат колмади. Бу гап «Бой ила хизматчи»нинг тикланган нусхасига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Санъат асари замон, макон (демакки, ҳар хил ижтимоий-сиёсий тузумлар) каршилигини енгигб ўта олади. Тўғри, мангу асарлар айрим шахсларга (масалан, Л.Толстой Шекспир асарларини ёқтиргмаган), кайсиdir ижтимоий-сиёсий тузумга (Аҳмад Яссавий асарлари шўро ҳукуматига) маъқул бўлмаслиги мумкин. Ҳакикий асар доим, ҳар

<sup>15</sup> Каримов Н. «Бой ила хизматчи» драмасининг ижодий тақдирин. Юкорида тилга олганимиз «Ҳамза Ҳакимзода ижодий проблемалари». –Т.: Фан. 1988. –Б. 62.

кандай вазиятда турли талкинларга тоб бера олади. Талкинчиликда «моно фикрли асар» деган ибора бор. Бошкача айтганда, талкинларга тоб бермаган, битта талкиндаёқ имконияти тугаган, шеър, ҳикоя, драма бўйши мумкин. Масалан, Иброҳим Faфуров Шукур Холмираевнинг «Кимсасиз ҳовли» ҳикоясини таҳлил килиб, уни «ҳаромга, маънавий разолатга қарши даҳшатли айбнома» сифатида талкин қиласди. «Шахсан мен ҳикояни икки-уч кайта ўқидим, – деб ёзди Олим Отаконов. – Аммо мен бошқачароқ, мана бундай – бундай тушундим, дейиш учун бир эътиroz тополмадим. Сабабми? Сабаби ҳикоянинг ўзи бундай қарама-карши мунозарали талкинларга изн бермайди»<sup>16</sup>.

Олим Отаконов «Кимсасиз ҳовли» ҳикоясининг ўзга талкинини тополмайди-ю, Абдулла Қаҳхорнинг «Үгри», Хулио Кортасарнинг «Ишғол килинган уй», Ясунари Кавабатанинг «Бамбук садоси, шафтоли гули» ҳикояларини талкин қиласди.

Олим Отаконов аргентинали Картаsar, япониялик Кавабата ҳикояларининг яна бир қанча талкинларини бемалол келтириши мумкин бўлгани ҳолда, Абдулла Қаҳхорнинг «Үгри» ҳикоясининг битта, энг муҳим талкинини топади. Қобил бобо-чиндан ҳам қобил, мўмин, кўй оғзидан чўп олмаган банда. Унинг ўта ношудлиги, ўта итоаткорлиги кишининг ғазабини кўзғайди. Одам дегани ўтли-шудли, лаб-даҳанли, хеч бўлмагандা, ўз кадрини биладиган бўлиши керакмасми? Ўзини билган одам борки, «корнимга эмас, кадримга йиглайман», – деган коидага риоя қиласди. Қобил бобо доим титраб, яшаётганидан уялиб кетаётгандай туюлади. Олим Отаконов ҳикоядаги «асосий үгри... Қобилбобо» – деган ҳulosага қелади. – «У ўз юрагидаги шижоатни, кураш туйгусини, зулмга исён аҳдини ўғирлаган шахс. У узок йиллар давомида муттасил шу иш билан шуғулланиб келган. Шунга кўниккан ва шундан бошкача яшашга ожиз. Нега бўлмасам, ҳикоянинг бирон ерида у норозилик билдиrmайди... Буюк Гойя ўзининг машҳур бир суратини бекорга «Тафаккурнинг уйқуси шайтанатни яратади» деб атамаган. Қобилбобо образи инсонлик шарьни, номуси ва одамлигини билмаган, худди бунга ҳукуки йўқдек гаранг, афтодаҳол мусичадай беозорлиги билан аввал ўзи-ю колаверса, атрофдагиларга мутелик, қуллик психологиясини – вирусларини беихтиёр тарқатувчи – юқтирувчи қобилбоболар

<sup>16</sup> Отаконов Олим. «Борса келмас» даги ҳазина. Китоб: Адабиёт ва санъат. –Т.: Адабиёт ва санъат. –1987. –Б. 309.


тимсолидир»<sup>17</sup>. Олим Отахоновнинг қуллик психологияси ҳакидаги фикри жўяли, муҳими замонавий. 80-йилларнинг охирларида одамлардаги шижаот, ўзликни англаш туйгуси ниҳоятда ривожланди. Талқинчи «Ўғри»ни замон руҳида талкин килди. 1995 йил 23 июнда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Сувон Мелининг «Мехр сеҳри» мақоласи босилди. Макола асосан «Ўғри» ҳикояси талқинига бағишиланган. Муаллиф «Ўғри» ҳикоясида ўтмиш кораланганилигини, ижтимоий гоя етакчилик килганини таъкидлайди. Макола авторини ҳайрон қолдирган нарса шуки, унда на қаҳрамонга, на идеалга меҳр сезилмайди. «Ўғри» – тоталитар даврнинг бадиий ҳужжати» деган хулоса чиқарилади. Ажаб, на О.Отахон, на Сувон Мели Абдулла Қаҳхорнинг ижодий методи – изчил, шафкатсиз реализм ҳакида тұхталмайдилар. Бадиий адабиёт кайси методга тааллуклилиги билан эмас, одамни қандай тасвирлаганлиги билан мухимdir деган коида уларни бошқаради. Абдулла Қаҳхор асарлари ҳакида А.Жабборов, М.Олимов, Ҳ.Каримов сингари мунакқидлар ҳам мақолалар ёздилар. Филология фанлари доктори Ҳакимжон Каримов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1998 йил 26 июн сонида «Гоя ҳакиқатга мосми?» мақоласини чоп эттириди. Мунаккид Абдулла Қаҳхорнинг «Даҳшат» ҳикоясини талкин килар экан, ундаги ҳаётий ноаникликлар, деталлардаги номутаносибликлар ҳақида ёзади. Филология фанлари доктори Санжар Содиков «Улкан маҳорат сари» мақоласида Ҳ.Каримов билан баҳсга киришади: оппонентининг фикр-даъволарини инкор этади. Абдулла Қаҳхор детал устаси, ҳаётий тафсилотлар билагони, ниҳоят, фикрини бир сүз, ишора орқали ифодалашга мохир санъаткор. Санжар Содиков Абдулла Қаҳхор куроли билан ўз қарашларини тасдиклайди. Мақола сўнгиди С.Содиков «Даҳшат»нинг ўзича талкинини беради: «Додҳо уйида саккизта хотини даҳшатда яшashi тафсилоти зиммасига юкланган иккинчи, яъни консператив маъно шунда бўлса керакки, Абдулла Қаҳхор мазкур ракам орқали Сталин зинданхонасига мустамлака сифатида камалган республикалар кўплигига сезилар-сезилмас тарзда рамзий ишора қилишни мўлжаллаган бўлса ажаб эмас. Ҳикоядаги Унсиннинг ўлими ва Нодирамоҳбегимнинг додҳо хонадонини тарқ этиши... орқали ёзувчи факат Олим додҳо хонадонининг ёки чор империясининг емирилишигагина эмас, балки Сталин салтанати ҳам бир кунмас бир кун парчаланиб, ундаги халқлар Мустакиллик йўлига чиқишига билинар-

<sup>17</sup> Отахонов Олимнинг юкорида эслатилган мақоласи. –Б. 316, 317.

билинмас ишора килган бўлса ажаб эмас»<sup>18</sup>. Тўғри, бадий асарни ҳар ким ҳар хил талқин килиши мумкин. Лекин Абдулла Қаҳхордай ёзувчининг СССРнинг парчаланиб кетишини ишора килиши мантиқка тўғри келмайди. Абдулла Қаҳхор характерининг туб-тубида тузумга ишонч, гояга содиклик бор эди. Бошқача айтганда, 80-йилларнинг охиридан то ҳозирги кунларгача Абдулла Қаҳхорнинг «Сароб», «Қушчинор чироқлари» романлари, «Синчалак», «Ўтмишдан эртаклар» киссалари бўйича давом этаётган баҳслар, талқинлар шундай хулоса чикаришимизга имкон беради.

Матёкуб Кўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Раҳмон Қўчкоров сингари пешқадам мунакқидлар китоблари, тадқикотларида Абдулла Қаҳхорнинг асосий асарларини талқин, таҳлил килмоқдалар. Мазкур адабиётшунослар ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг қарийб 60 йиллик тарихини ёритдилар, архив материалларини қунт билан ўргандилар. Айниқса, Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳхорнинг «Сароб», «Қушчинор», «Қушчинор чироқлари» романларига бағишлиланган баҳс – мунозараларни архив материаларидан кўтарди. Адабиётшунос Раҳмон Қўчкоров Абдулла Қаҳхор романлари ижодий тарихини қунт билан ўрганди. Унинг «Истеъод кадри», «Мен билан мунозара қиласангиз...» асарлари А. Қаҳхорнинг икки романи: уларнинг ижодий тарихи, талқинлари, сиёсий-гоявий-мафқуравий-бадиий хусусиятлари, характерларнинг мукаммал тарихи ҳакида. Ниҳоят, филология фанлари доктори Умарали Норматовнинг «Қаҳхорни англаш машакқати» асари ўзига хос талқинистондир. Абдулла Қаҳхор асарларининг янги шароитда, Мустақил Ўзбекистон адабий танқидчилигига ўрганилиши муҳим воқеадир. Мазкур масалани ёритмасдан 80-90-йиллар ўзбек танқидчилиги ҳакида фикр, хулоса айтиш мушкул. Бир канча услубдаги нозик талқинларни ёнма-ён келтириш, бадий асарнинг турли манбаларини муқояса килиш, адабий матн таркибини ўзга соҳага оид адабиётлардан олинган фикрлар билан тўлдирилганлигига эътибор бериш – кўптармокли ўрганиши – таҳлил йўсуни. Бунда биографик, ижодий-генетик, онтологик ёндашувлар, таҳлилнинг структурал (таркибига кўра), семиотик (белги-рамзий сермаъноликка кўра), услубий ва оҳангта кўра кўринишлари ўзаро бирлашиб кетади. Абдулла Қаҳхор асарлари 80-90-йилларда жиддий талқин ва таҳлил қилинди, у мана шу давр танқидчилигининг асосий воқеасига айланди. Мазкур талқин ва таҳлиллар XX аср пировардидаги ўзбек адабиётшунослиги ва

<sup>18</sup> Содиков С. Улкан маҳорат самараси. // Ёшлик. - 1999.



адабиётшунослиги ва танкидчилигининг даражасини, имкониятларини, чекланган томонларини намоён этди. Иккинчидан, санъат асарлари «имтиҳони» зинҳор осон, текис кечмаслигини кўрсатди. Учинчидан, Абдулла Қаҳҳор асарлари талқин ва таҳлили Ойбек,Faфур Гулом, Миртемир, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Уйғун сингари ижодкорлар асарларини ҳам шундай ўрганиш лозимлигини кўрсатди. XXI аср ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилигига Абдулла Қаҳҳор асарлари яна жиддий талқин ва таҳлил қилинишига шубҳа йўқ.

Эътибор берилса, янги ўзбек адабиётининг жонли, умрбокий асарлари «туғилишиданоқ» адабий жанг-жадалларга сабаб бўлган экан. «Ўткан кунлар», «Навоий», «Сароб», «Улуғбек хазинаси», «Ўзбегим», «Биринчи мұхаббатим», «Юлдузли түнлар», «Қора камар», «Отамдан қолган далалар» сингари асарларнинг адабий хаётда пайдо булишининг ўзи алоҳида бир тарих. «Сароб»нинг тарихи илк бор академик Бахтиёр Назаровнинг «Ўзбек адабий танкидчилиги» китобида кўтарилиди: «1939 йил 14 июнда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети кошидаги Фанлар Комитетининг ёзги мажлислар боғида ўtkазилган «Сароб» ҳакидаги диспут кариб бир ҳафта (3 мажлисда) давом этди.

Ўзбекистон Компартиясининг масъул ходимлари раҳбарлигига булиб ўтган диспутда ёзувчи ва танкидчилардан Шокир Сулаймон, Уйғун, Ю.Султонов, Ҳ.Ёкубов, Р.Мажидий, Ҳ.Расул, Н.Охундий, Ҳ.Мусаев ва бошқалар фаол иштирок этдилар. Роман юзасидан асосий докладни Ю.Султонов килди»<sup>19</sup>.

Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор» китобида «Сароб»га бағишланган диспут-баҳс тарихини кенгрок ёритди. Яъни, шу баҳсада иштирок этган Сайд Аҳмаднинг эсдалигини киритади, мажлисни Сулаймон Азимов бошқарганини, Юсуф Султонов нималар ҳакида галирганини, роман ҳакида илк такриз ёзган Ҳ.Мусаевнинг куйибишишларини тасвирлайди. О.Шарафиддинов мунозара хulosасини баён этади: 1) «Ёш ленинчи»да босилган Мусаев мақоласи ва умуман, «баъзи бир ўртокларнинг чикиши большевик танкидига ҳеч кандай алокази йўқ», 2) «Сароб»да айрим камчиликлар бор, лекин у сиёсий зарарли асар эмас, уни тубдан кайта ишлашга ҳожат йўқ. У ҳозирги ҳолида ҳам фойда келтираверади. Унга сиёсий айб қўйиш «Сароб»га берилган асосий партияйий баҳо эмас». Бу хulosалар ғоят муҳим, принципиал аҳамиятга эга – улар кўпгина ўзбек зиёлиларининг граж-

<sup>19</sup> Назаров Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. –Т.: Фан. 1979. –Б. 225.

данлик түйгүси балоғатта етганидан далолат беради. Ўша пайтларда – сиёсий айб қўйилган одамни ҳимоя қилиш билан ўзи ҳам унга шерик бўлиб қолиши мумкин бўлган бир вазиятда уч кунлик мунозарада «Сароб»ни тұхматлардан оклаб олиш – катта жасорат эди»<sup>20</sup>. Баҳтиёр Назаров ҳам, Озод Шарафиддинов ҳам баҳс моҳиятини тұлиқ англаб етган бўлсалар-да, уни мукаммал ёзиш имконига эга бўлмаганлар. Биринчидан, уларнинг тадқикотлари шўро даврида яратилган, иккинчидан, асар жанри қандай ёзишни «такозо» этарди. Узбекистон мустакиллигидан сўнг ёзувчилар тақдирни, машхур асарлар тарихи ҳакида «Қатағон курбонлари» (Н.Усмонов), «Қатлнома» (Н.Бокий), «Қодирийнинг сўнгги кунлари» (Ҳ.Қодирий), «Отамнинг тергов иши» (К.Икромов) сингари асарлар яратилди. Жуда кўп адабиётшунослар XX асрда яшаган, Сталин, Кизил империя катли оми курбони бўлган ёзувчилар, уларнинг асарлари ҳакида кўплаб тадқикотлар яратдилар. Истеъоддли адабиётшунос Раҳмон Қўчкор Абдулла Қаҳҳор романлари тарихи тадрижини ўрганди. «Истеъодд қадри» (Тошкент-1989) китобида «Сароб»нинг уч нашрини, «Қўшчинор» ва «Қўшчинор чироқлари» тарихини кенг ёритди. 1998 йилда Р.Қўчкорнинг «Мен билан мунозара килсангиз...» рисоласи «Маънавият» нашриётида чоп этилди. Тадқикотчи «Сароб» тарихини, тузилишини, образларнинг прототипи ва бадиийлигини чукур ўрганди. У «Сароб»нинг II ва III нашрларида тушириб колдирилган картина, эпизод, боблар тарихига назар ташлайди. Раҳмон Қўчкор «Сароб» романининг яратилишида кўшимча маңба вазифасини ўтаган уч асар – П.Алексеенковнинг «Кокандская автономия», «Удар по националистической контрреволюции (Приговор над Касымовым и К)», Р.П. Катаняннинг Қосимовичлар устидан ўқиган айблов нутки жамланган китобни атрофлича ўрганади: мазкур китоблар руҳининг «Сароб»га сингиганини кўрсатади. Бошқача айтганда, Р.Қўчкор матнни, маңбаларни синчилаб ўрганади. «Мен билан мунозара килсангиз...» китобида муаллифнинг қалб түғени, куйиб-ёниб фикрини исботлашга интилиши аник сезилади. У, таъбир жоиз бўлса, икки ўт, икки оқим орасида турганини хис қиласди. Биринчидан, Абдулла Қаҳҳор – XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаси. Унинг асарлари ҳакида танқидий (факат танқидийгинамас) фикрларни рўй-рост айтиш осон эмас. А.Қаҳҳор ҳакида XX аср ўзбек адабиётшунослигининг М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, П.Қодиров, У.Норматов сингари номдор намояндалари китоблар, тадқикотлар яратганлар. Муҳими, ҳеч бир мутахассис

<sup>20</sup> Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. -Т.: Ёш гвардия, -1988, -Б. 56.

А.Қаҳҳор романининг авра-астарини ағдариб текширмаган, у ҳақда ўта мураккаб, илдизли муроҳазалар билдиримаган: «Хўш, нима бўлибди? Ахир роман ўз номи билан роман-ку, унда воқеалар ҳаётда қандай кечган бўлса, айни шундай тасвир этилиши шартми? Бу сатрлар муаллифи ёзувчидан шуни талаб киляптими? Ёзувчининг ижодий хуқукларини инкор қилмоқчими? Ва ҳоказо... тадқиқотимиз максади у ёхуд бу адабий ҳодисанинг айбдорини кидириш ва уни орадан неча ўн ийлилклар ўтиб улгургач, ошкоралик баҳона қоралаш эмас... Биз факат тушунмоқчимиз. Истеъоддли ёзувчи ва унинг оталаримиз ўтмиши ва тақдири ҳакида талантли ёзган асаринигина эмас, балки бу муаллифга таъсир этган, унинг сиғинган ҳакикатларини шакллантирган турли ҳаёгий ва сиёсий омилларни, асарнинг ёзилишига сабаб ва материал бўлган манбаларни ва уларнинг талқинидаги мантиқни англамоқчимиз»<sup>21</sup>.

Мазкур асар муаллифини тўлкинлантирган, қалбида олов бўлиб яллиғланаётган туйғу шундаки, «Сароб»га материал (аникроғи, қўшимча материал – И.Р.). бўлган воқеалар ва уларнинг талқинидаги мантиқи масаласидир. Раҳмон Қўчкор учта манба устида тўхталинар экан, улар аслида маърифатпарварларимиз, Чўллон, Мунавваркори, Абдулла Қодирий, Алавий сингари ёзувчиларимизга бориб уланишини англайди. Қизил империя сиёсатидаги найранг, устомонлик шунда эдики, у зинҳор оловни ўз кўли билан тутмас, сопини ҳамиша ўзидан чикарап эди. Абдулла Қаҳҳор – истеъоддли ёш ёзувчи англаб-англамай сиёсий найранглар тўрига илинаётди. Китобда Абдулла Қаҳҳор руҳиятидаги мураккабликларга имо-ишоралар бор. Абдулла Қаҳҳор Шўро сиёсатига, партия мафқурасига ишонган, лекин у зинҳор ўз халки, унинг вакилларига душманлик билан караган эмас. Истеъоддининг асосий белгиси инсонпарварликдир, юртга, халқка садоқатдир. Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳамиша мана шу илдизлардан келиб чиқилган ҳолда талкин, таҳлил килинган. «Сароб» ҳакида ёзилган барча тадқиқот, маколаларда янги-янги талқинларга интилиш сезилади. Профессор Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор» асарида «Сароб»ни, бош қаҳрамонни янги йўналишда талқин қиласди: «Сароб» романининг асосини ташкил килювчи foявий ният худбинлики ёхуд индивидуализм иллатини бадиий тадқик килишдир. Маълумки, худбинлик инсоният тарихидаги энг қадимий ва энг хавфли иллат-

<sup>21</sup> Қўчкор Р. Мен билан мунозара килсангиз... –Т.: Маънавият, 1998. –Б. 33-34.

дир...<sup>22</sup> Муаллиф Саидийдаги одамовилик, шұхратпаратстлик, акли косидлик сингари белгиларни ёритиб беради.

Профессор Умарали Норматов «Қаҳхорни англаш машакқати» китобида «Сароб» романы ҳакида билдириләтган фикрларга муносабат билдиради. Муаллиф «Сароб» ҳакида 30-йиллардан бошлаб билдириләтган танкидий фикрга – бош қаҳрамон үтли – шудлы замон кишиси эмаслигига үз карашини ифодалайди: «Жангари қаҳрамонларни асарға олиб кирмаслик факті роман поэтикасынинг үзігін хослиги билангина изохланмаса керак. Ҳар ҳолда Қаҳхордек реалист санъаткор бу хил расмий мағкура билан куролланған, синфий ракибларни асло аямайдыган жангари курашчиларнинг ҳақиқияттың башара-сина билған, лоакал холис реалист савқи табиий сажия орқали бейхтиёр англаған. Эхтимол бундай шахсларни асло ижобий қаҳрамон килиб бериш мүмкін эмаслигини, айни үша кезларда бор ҳақиқатни айтиш, ифодалаш мушқул эканлыгын түшүнгән, хис этгандың ҳолда, яхшиси бундай шахсларни асарға киритишдан үзини тийган бўлиши ҳам эхтимолдан ҳоли эмас»<sup>23</sup>. Умарали Норматов Саидийни Сотиболди, Туробжон, Кобилбобо сингари лапашанг, иродасиз, бўш-баёв сифатида талкин киласи: «Жамиятнинг маърифатли, онгли аъзоси бўла туриб ҳам Саидий каби катъиятсизлик туфайли жаҳолат боткоғига ботиб кетиш, инсон – ихтиёрини үзгалар изнига топшириб оддий малайга, қулга айланниб қолиши мумкинлигини, үша кезларда бирор сезди, бирор сезмади... Бу нарса миллат, жамият учун қанчалар кимматга тушгани маълум»<sup>2</sup>. Абдулла Қаҳхорнинг «Қўшчинор чироклари», «Синчалак», «Ўтмишдан эртаклар» асарлари У. Норматов асарида янгича талкин килинанади. «Синчалак» ҳакида тұхталинар экан, муаллиф ёзади: «Аёллар эрки, ҳимояси бобида олиб борилған бир ёклама сиёсатнинг туб моҳиятини очиб берувчи, фош этувчи ажиг, образли бир гап айтади: «Бу замонда хотин киши одам үлдириб кўйса... одам үлдиригандын эмас үлкін жавобгар бўлади». Бу хусусда бундан ошириб гап айтиш мумкин эмас»<sup>3</sup>.

«Қаҳхорни англаш машакқати» китобида А.Қаҳхорнинг катор асарлари, хусусан, «Ўтмишдан эртаклар» киссаси абсурд адабиёт доирасига киритилиб таҳлил қилинади. У.Норматов “Ўтмишдан эртаклар” ва абсурд” маколасида Абдулла Қаҳхор руҳиятида рўй берган үзгаришлар жараёнини кузатади. Маколада ёзилишича,

<sup>22</sup> Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳхор. –Т.: Ёш гвардия, 1988. -№ 61.

<sup>23</sup> Норматов У. Қаҳхорни англаш машакқати. –Т.: Университет. -2000. -Б. 24, 27.

<sup>3</sup> Норматов У. Қаҳхорни англаш машакқати. –Т.: Университет. -2000. -Б. 35.

«Сароб» романидаёк А. Қаҳхор ҳаётни кандай бўлса шундай – абсурд ҳолда акс эттириш тамоили бошланганлигини кўрсатади. У.Норматов талкинига кўра, «Ўтмишдан эртаклар» қиссанинг аксарият қаҳрамонларида индивидуал хусусиятлар бўртиб кўринади. Улар жамиятдаги диний-сиёсий-ижтимоий тартиботларга карши ўзларича исён кўтарадилар: «Темирчи Абдукаҳхорнинг жоҳиллар жабрига карши чикиши – аёлларга азайимхонлик қилиб дам солиши, уларга тегишиши, ракиби Валихон сўфига эшак миясини едириб жиннига айланишини кутиши, ниҳоят, шогирди билан уни «чирокпоя» қилиши; ўғли оғриганида Оллоҳга, азиз-авлиёларга қилган илтижолари ижобат бўлмай, гўдак жони узилганида алам, жаҳл устида азиз авлиёларни чангитиб сўкиши, телба аҳволда токчада турган Қуръонни олиб кулочкашлаб ерга уриши, бу ҳам етмагандек, ерда ётган Куръонни тепиб юбориши, бегуноҳ бузокни чаваклаб ташлаши – ўша жоҳил, абсурд муҳитга муносиб исён, бехуда, маънисиз хатти-ҳаракатлардир»<sup>25</sup>.

У.Норматовнинг янгила талкини ўқувчида катта кизиқиш уйғотди. Лекин мана шундай талкинда хавфли бир ҳолат сезиляпти: биз ўз адабиётимиз намуналарини осонгинина Ғарб абсурд адабиёти хирмонига қўшиб қўймаяпмизми? Иккинчидан, соцреализм методида ҳам гояга иллюстрация деган гап бор эди. Абсурд адабиёти назарияси ўзбек асарлари асосида иллюстрация килинса, кандай бўларкин? Шарқ, хусусан, ўзбек адабиёти ўзига хос муҳитда шаклланди, ривожланди. Уни на соцреализм, на Ғарб абсурд адабиёти бирикмасига атрофлича ўйлаб кўрмасдан киритиш мумкин эмас. Бизда худога ишониш, худодан мадад кутиб яшаш – пассив хатти-ҳаракат кучли бўлган. «Ўтмишдан эртаклар» қиссанидаги уста Абдураҳмон, унинг хотини, кизи, ўғли, онаси муҳитнинг ёркин – пассив, сал ўжар намояндалари. Уста Абдукаҳхор ўз муҳитига карши исён кўтаради. Лекин унинг бу исёни Олим новвойни ҳам, Тўракул вофурушни ҳам, ҳатто «чирокпоя бўлган», «эшакмия» еган Вали сўфини ҳам ғафлат ўйқусидан уйғотмайди. У.Норматов талкинига қўшилмаслик мумкин, аммо унинг янги йўналишдаги талкини ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, адабиётшуносларни ўйлашга, фикрлашга ундейди.

Мисралар мағзини чакиши, сатрлар сийратидаги маъно, рамз, тимсолларни ёритиш шеърият таҳлилида кўзга аник ташланади. Хуршид Даврон шеърларини таҳлил қилган Муртазо Қаршибоев яхшигина сўзшунос эканлигини исботлайди. Жонли, рангин сўзлардан яра-

<sup>25</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, -2000, -14 июл.

тилган шеърларни ич-ичидан англаши кишини қувонтиради: «Хуршид Даврон сўзларни сайратиб ёзадиган шоир эмас. У сўзларни ўйлатиб ёzáди, – дейди М.Қаршибоев. – Шоир шеърларидан ташки фикр излаш унинг шеърларига жуда жўн муносабатдан бошка нарса эмас. Аввало шеърдаги ички ҳаяжонни англаш керак, ундаги лирик кайфиятни юракка кўчириш керак<sup>26</sup>. 80-йиллар пировардида танқидчилик фаолиятларини бошлаган М.Қаршибоев, М.Номозов, З.Эшонова, М.Маматвалиев сингарилардаги фазилат шундаки, улар қайси шоир, ёзувчи асарини таҳлил килишга киришмасинлар, аввало, ўша ижодкор руҳига чукур сингишга, маълум фурсат унинг таъсирида бўлишга интиладилар. Санъаткор шоир, ёзувчи, драматург таъсирига ихтиёрий берилиш ҳали уни асосли, чин тушунишмас, жўшкин, ҳароратли қизикиш, холос. Туйғулар тўлкинининг акл-идрок синовидан ўтган тушунчага айланиши ижодкор асарини чин ўрганиш томон ташланган событ қадамдир.

Ёзувчи асарини чукур ўрганишда етти ўлчаб бир кесишининг ахлоқий-тарбиявий, илмий аҳамияти кучли. О.Шарафиддинов Сафо Очиловнинг «Шеър мавъумоти ва фикр равонлиги» мақоласига жавобан ёзилган «Бир тилда гаплашайлик» баҳс-мақоласида (хар иккала макола «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1987 йил, 9 январь сонида босилган – А.Р.)... танқидчи асар ҳакида фикр юрита бошлашдан аввал шу асарнинг муаллифи дарражасига кўтарилиши, ҳаётга унинг кўзи билан назар солиб, унинг калби билан асарни ҳис этиб кўрмоги лозим»лигини таъқидлайди. Мазкур фикр ижоднинг барча турларидаги асарлар талкинига таалукли. Хусусан, ҳалқ оғзаки ижодини тушунишда асар руҳига сингиш ниҳоятда муҳим ва зарурдир. Фольклор илмининг билағонлари Тўра Мирзаев, Баҳодир Саримсоқвлар ҳалқ оғзаки ижодига таалукли асарлар генезиси, образлари, имо-ишораларини теран англайдилар. Фольклоршунос Шомирза Турдимов «Бирнинг минг жилваси», «Ранго-ранг дунё» («Ёшлиқ» журнали, 1987, 8-сон) сингари мақолаларида ҳалқ қўшиклидаги ҳар бир ишора, ҳодиса, ранг рамз сифатида кўлланилиб, ўз маъно-мазмунига эгалигини ишонарли кўрсатади. Мана, битта тўртлик ва унинг талкини:

*Бозорга борсангиз ўлингиз бўлгай,  
Бир тўққиз олмага қўйнингиз тўлгай.  
Аввал савдоингиз қўлрўмол бўлгай  
Кўлрўмол бўлмаса савдонгиз қургай.*

<sup>26</sup> Каршибоев М. Поэтик фикр мезони. //Ёшлиқ, -1987, -№ 7. –Б. 76.

Кўшикларда «бозор» – севги муносабатларини реаллаштирувчи рамз. «Рўмом» (кўл-рўмом) – оила рамзи.

Кўшик талкини: «Лирик қаҳрамон (маъшуқа) ошикка, мабодо севгингиз чин, ниятингиз холис бўлса, бекорчи гап-сўз қилмай совчиларни жўннатаверинг («Бозорга борсангиз йўлингиз бўлгай, аввал савдонгиз қўлрўмом бўлгай»). Умидим умидингиз. Фарзандларингиз кўп бўлсин («Бир тўқиз олмага қўйнингиз тўлгай»). Шунчаки кўнгил хуши деб келаётган бўлсангиз, ниятингизга етолмайсиз. (Кўлрўмом бўлмаса савдонгиз курғай»). Келтирилган тўртликда олма илкин (рудымент) маънога – фарзанд маъносига эга<sup>27</sup>.

Адабий матн қалб кўзи билан ўқилиб, ақл-хуш тарозусида обдан ўлчангач, талқин маромига етади. Бундай талқинда матннинг гўзалликлари ҳам, етишмовчиликлари ҳам, бегона қўлнинг аралашувидан топилган шикастлар ҳам аниқ кўринади. Микроанализ – адабий матнни теран ўрганувчи, унинг ботинидаги ҳолатлардан хабар берувчи таҳлил йўсуни.

## ТАҲЛИЛ УСЛУБИ

Услуб – ижодкор сийратининг акс этиши. Сийрат – ўзлик, инди-видуаллик, ҳеч кимникуга ўхшамайдиган асос. Истеъдод-индивидуалликнинг тиник кўриниши, шахс бетакрорлигининг ёрқин ифодаси. Истеъдодли шахс бошкалар орасида ажralиб туради, асрлар бўйи шаклланган тартиб, конун – коидаларга бўйсунавермайди. Фожиа шундаки, баъзан тузум, ижтимоий мафкура истеъдодга қарши чикади.

Маълумки, адабий танқид ҳам фан, ҳам санъат. Танқидчилик тарихида ўз услугуга эга, ёрқин истеъдодли мунаккидлар кўп бўлган. Биз XX асрнинг иккинчи ярмидағи ўзбек танқидчилигига из колдирган, бетакрор услугуга эга бўлган икки мунакқид – Матёкуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов услуги ҳакида фикр юритишни лозим деб билдик. Улар ижодида аксарият танқидчиларимизга хос хусусиятлар акс этган.

Истеъдодли ижодкор фаолиятида дадиличик диққатни дарҳол жалб қиласди. «Ойбек 1936 йилда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиланган илмий асарини ёзиб тутатди, – деб ёзади Озод Шарафиддинов. – Айтиш керакки, у вакълларда Навоий ҳакидаги тасаввурларимиз ҳали жуда камбағал эди. Унинг ҳакидаги

<sup>27</sup> Турдиев Ш. Бирнинг минг жилласи. //Ёшлиқ, -1987, -№ 5, -Б. 70.

матьлумотлар ҳар хил манбаларда тарқок ҳолда ётар, қатый бир системага солинмаган эди... Ойбек биринчи марта Навоийнинг хаёти ва ижодига доир материалиарни қатый системага солади, уларга синфий позициядан ёндашиб, Алишер Навоийнинг қиёфасини мукаммал очади. Бу тадкиқотда Ойбекнинг билими фоят чукур экани, фикрлаш доираси бениҳоя кенглиги, мураккаб ва чигал масалаларни дадил кўя олиши аниқ кўринади»<sup>28</sup>. Дадиллик – масъулиятни ҳис қилиш. Масъулият ҳис қилинмас экан, танқидчилик ҳам, шоирлик ҳам эрмак, шунчаки койинмай, юракни ёндирилмай юраверишдир. «Мени энг кўп ранжитадиган нарса шуки, баъзан ёш танқидчи зиммасидаги улкан масъулиятни мутлақо ҳис қилмаган ҳолда қўлига қалам олади. – деб ёзади Озод Шарафиддинов. – Мақоласида эса асар ҳақида ҳам, ёзувчи ҳақида ҳам дабдурустдан эсига келиб қолган гашларни мулоҳаза қилиб ўтирамай, ёзib таштайверади. Ҳолбуки, энг кичкина такриз ҳам босилиб чиққанидан кейин минглаб, баъзан юз минглаб нусхада таркайди. Демак, сиз минглаб одамга гап айтасиз, уларни бошқа ишлардан ажратиб олиб, оғзингизга қаратасиз»<sup>29</sup>.

Дадиллик нафақат танқидчиликка, балки бадиий адабиётнинг, умуман, санъатнинг барча турлари учун зарурдир. Озод Шарафиддинов «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» мақоласида ёзади:

«Хўш, нега энди бутунги шеъриятимизда ўртамиёначилик кучайиб кетяпти? ... Нега шеърларда олам тор, ҳаёт нафаси заиф, китобийлик кучли?»

Менимча, бу ҳодисанинг бош сабаби «шоир» деган тушунчани тұла аңылаб етмасликда. Назаримда, кўпгина ёшларимиз шоирликдан осон қасб йўқ деб ўйлади, шекилли; вазн нималигини, туроқ қандай бўлишини, кофиялаш хунарини ўрганиб олсанг, ухшатиш ва мажозлардан хабаринг бўлса бас, шеър ёзвериш мумкин»<sup>30</sup>.

О. Шарафиддинов ижодкор учун истеъоддининг сув билан ҳаводай зарурлигини таъкидлайди, истеъод «ички нигоҳ» эканлигини сўкир Гомер, кар Бетховен асарлари мисолида исботлайди. Ниҳоят, мунаккид истеъоддининг зарурлигини қайта-қайта таъкидлагач, «Шоирлик – ҳамиша эътиқодлишикдир. Шоирлик – ҳамиша виждоннинг уйғоқлигидир. Шоирлик – ҳамиша безовталиkdir. Шоирлик – ҳамиша улуғ масъулиятдир»<sup>31</sup>, – деган хulosага

<sup>28</sup> Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. –Т.: Ёш гвардия, –1983. –Б. 19.

<sup>29</sup> Шарафиддинов О. Талант – ҳалк мулки. Т.: Фан, –1979. –Б. 173.

<sup>30</sup> Шарафиддинов О. Гузалик изтаб. –Т.: Адабиет ва санъат, –1985. –Б. 35.

<sup>31</sup> Уша китоб. –Б. 38.

келади. Бошқача айтганда, дадиллик – улуг масъулият, доимий безовталиқ, юксак эътиқод.

ХХ аср ўзбек танқидчилигига дадиллик намунасини кўрсатган мунакқидлар кўп. Лекин улар орасида Иzzат Султон, Ҳомил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжоновлар алоҳида ажralиб турадилар.

Озод Шарафиддинов «Характер – бадиийлик мезони» мақоласида: «... характер яратиш масаласи бадиий адабиётнинг энг мураккаб ва энг жумбокли вазифасидир. Жаҳон адабиёти бири-бирига ўхшамаган, бири-биридан мукаммал ранго-ранг характерларга ниҳоятда бой... Турли туман асарларни таҳлил қилиб, уларда характер қандай яратилганини аниқлаш мумкин, лекин уни қандай яратиш кераклиги ҳакида рецепт бериб бўлмайди»<sup>32</sup>, – деб ёзди. Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида ўзбек адабиётидаги бадиийлик мезони – характер муаммосини теран тадқик этиши масъулиятини дадиллик билан ўз зиммасига олган мунакқид пайдо бўлди. У Матёкуб Кўшжонов эди. Ўзбек адабиётида ҳамиша бадиий характерлар бўлған: асарни мукаммал характерларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Матёкуб Кўшжонов фаолияти характер масаласини бадиийликнинг юксак кўрининиши сифатида намоён этди. Адабий танқидчилик, адабиётшуносликнинг дикқати характер муаммосига жалб этилди.

Жаҳон ҳалқлари адабиётшунослигида «характер» (каракте) атамаси кенг қўлланилади. Инглиз, немис, япон, турк адабиётшунослигида характер масаласига бағишлиланган тадқикотлар ниҳоятда мўл. Қолаверса, адабиётшунослик илмининг бошланишидаёқ Аристотел «Поэтика» ва бошқа асарларида инсон табиати, уининг бадиий ижодда акс этиши – характер ҳакида тўхталинган эди.

Бадиий адабиёт қаҳрамонини символ (юонча «символон»-дан) деб аташ ҳам удумлашган. Ўзбек адабиётшунослигида «символ», «рамз» сўзлари теппа-тент кўлланилаверади. Турк адабиётшунослигида адабий қаҳрамонни «симге» (символ) деб аташ одат тусига кирган.

ХХ аср ўзбек адабиётшунослигида адабий қаҳрамон не-не номлар билан аталмади, дейсиз?! Сотти Ҳусайн «Ўткан кунлар» ва ўтган кунлар» такриз – рисоласида Абдулла Қодирий қаҳрамонларини «сурат» (образ) деб атайди.

Воҳид Зоҳидовнинг баъзи асарларида «сажия» атамаси характер маъносида қўлланилади.

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1985. –Б. 82.

Хозирги адабиётшуносликда, хусусан, мактаб дарслилари, мажмуаларида «тимсол» атамаси кенг қўлланилмоқда. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да (Тошкент – 1984, II жилд, 231 – бет), «Фарҳанги забони тоҷики» (Москва, «Советская энциклопедия – 1969, II жилд, 363-бет) да тимсол сурат, накш, расм маъносини англатиши айтилган. Навоий асарлари тили луғатини тузгандар тимсолнинг яна бир қанча маъноларини келтирадилар.

Ўзбек мумтоз адабиётида қўлланилган тийнат (тинат) атамаси ҳозирги адабиётшуносликка ҳам кириб келмоқда.

Характернинг асоси – ўзлик, тийнат, афъол, фитрат, «ватан ичра ватан»ни муқаддас ҳудбинлик, руҳий-маънавий ташналик нуктаси, инсон ва инсонийлик асрори, безовта руҳ маскани, тиниб-тинчимаган хушёкар оғрик макони дейиш жоиз. Бошқача айтганда, барча ижтимоий муносабатлар жамулжами ҳисобланган характернинг асосини руҳий-маънавий қадрият, илохий неъмат белгилайдики, бу ҳақда Зайниддин Мухаммад Газзолий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Иммануэл Кант, Георг Ҳегел асарларида ёзилган. Экзистенциализм таълимоти намояндалари, хусусан, Жан Поль Сартр ҳам инсонни, унинг характерини англашда анъанавий қарашларга суюнади. Фарқ шундаки, экзистенциализм таълимоти намояндалари инсонни англашда илохий қарашни эмас, илмий қарашни асос деб биладилар. «Инсон қандайdir инсоний табиат эгаси, -- деб ёзди Жан Поль Сартр. -- Ана шу «инсоний» тушунча ҳисобланган инсоний табиат ҳамма одамларда бор. Бу эса ҳар бир алоҳида инсон факат «инсон» деган умумий тушунчанинг хусусий ҳодисаси эканлигини билдиради. Кантдаги мана шу умумийликка кўра, ёввойи одам – табиий инсон ҳам, буржуя ҳам бир хил таъриф билан изоҳланади, бир хилдаги асосий сифатларга эгадир. Бинобарин, бу ерда ҳам инсон моҳияти биз табиатда учратадиган унинг тарихий мавжудлигидан олдинроқ содир бўлган экан»<sup>33</sup>.

Шўро адабиётшунослигига, хусусан, ўзбек адабиётшунослигига характер муаммоси бир ёклама – ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида ўрганилди. Матёкуб Кўшжонов тадқикотлари яратила бошлаганидан кейин ҳам характер ҳақидаги бир ёклама фикрларни айтиш давом этди. Бора-бора олимнинг мақолалари тилга тушди, илмий – адабий жамоатчилик дикқатини жалб этди. Танқидчи тилини узун килган, жамоатчилик олдида обрўсини оширган асосий омил

<sup>33</sup> Сартр Ж.П. Экзистенциализм тўгрисида. //Жаҳон адабиёти, -1997, № 5. -Б. 182-183.

унинг илми, мушоҳадасининг кенглигидир. «Яхши асарнинг хислатларини кўрсатиш учун кай даражада дид ва мушоҳада керак бўлса, заиф асарнинг нуксонларини кўрсатиш учун ҳам шу даражада, балким ундан ҳам ўткиррок дид ва мушоҳада керак бўлади... Танқидчи инкор килиб бўлмайдиган далилларга суюниши керак бўлади, токи унинг фикрларини ёзувчи тан олсин, китобхон ишонсин. Далилсиз танқид куруқ сафсатадан бошка ҳеч нарса эмас»<sup>34</sup>, – деб ёзади М.Кўшжонов. Олимнинг илк китоби «Мастерство изображения характеров в романах Айбека» (1959) деб аталади. Кейинчалик у «Ҳаёт ва маҳорат» (1962), «Жизнь. Характеры. Мастерство» (1963), «Ойбек маҳорати» (1965) китобларини яратди. Бу асарлар руҳи, уларда кўтарилган муаммолар, хусусан, характер яратиш масаласи ўзбек адабиётшунослигига чукур сингиб борди. Ёш ёзувчилар, адабиётшунос-у танқидчилар М.Кўшжонов карашлари асосида характер яратиш муаммосига жиддий эътибор бериб шаклланған бошладилар.

Матёкуб Қўшжоновнинг ўзбек танқидчилигидаги катта хизмати шундаки, у социалистик реализм методи, коммунистик мафкура адабиёт ва адабиётшуносликда ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда адабий жамоатчилик ва ёшлар дикқатини илм ўзанига йўналтириди. Бошқача айтганда, илмий караш, фаний тафаккур мафкуравий, сиёсий карашлардан устун кела бошлади. Матёкуб Қўшжонов мафкура майдонининг етакчилари билан илмий карашлари соҳасида зиддият, карашга киришмади. Аксинча, олим Ойбек романларини, хусусан, «Кутлуғ кон»ни таҳлил қилас экан, Йулчининг инқилобчи бўлиб этишиши жараёнини кузатади. Олим таҳлиллари, кузатишлари китобхонни бефарқ колдирмайди. М.Кўшжонов «Навоий» романини талқин қилас экан, илмий мантиқка, характер иродаси йўналишига эътибор каратди. Унинг илмий услуби соцреализм методидаги адабиётшунослик – танқидчилика, сиртдан караганда, зид келмас эди. Лекин адабиёт соҳасидаги мафкурачилар М.Кўшжонов карашларини қабул қилас, улардаги аллақандай рух, асосга ғашлинк қиласдилар. Жиддий ўйлаб кўрилса, М.Кўшжонов на соцреализмга, на партиянинг алабиёт соҳасидаги сиёсатига кўр-кўrona карши чиқмаса-да, илмий мантиқ, олимона ирова йўналиши билан соцреализм, мафкура пойини киркиб борар эди. Қизиги шундаки, М.Кўшжонов коммунистик партия аъзоси сифатида шуро давридаги бош йўлдан четга чиқмади. Аксинча, унинг макола, китобларида партия съездзи карорлари, мафкуравий даъватларга хайриҳоҳлик билдирилар, расмий хужжат-

<sup>34</sup> Кўшжонов М. Ижод сабоклари. –Т.: Ёш гвардия, –1973. –Б. 24.

мақолалардан иқтибослар көлтириларди. Шубҳасиз, М.Құшжонов бу ишларни атайин, юкоридагиларга ёкиш учун қылмаган. М.Құшжоновда иккى қарап үзаро курашар, бири-бирини енгішінде интилар эди. Улардан бири коммунист М.Құшжонов қарашлари, босиб үтган ҳаёт йўли. М.Құшжонов ўшигиданок янги тузум руҳида тарбияланади, совет мактабида ўқиди. Характери жангчи шинелида тобланди.

Мате́куб Құшжонов моҳияти унинг илмий қарашлари, олимлик оламида кўзга ташланади. Илмий ҳақиқатни очишга интилар экан, М.Құшжонов фан мантиқига, далиллар таҳлилига берилади. Илмий изчиллик, танқидчиликка садоқат М.Құшжоновнинг мағкуравий-партияйи қарашларидан устун келади. Олимнинг илмий фаолияти-нинг асоси – характер яратиш муаммоси унинг ўз табиатига ҳам сингиб кетган. М.Құшжонов ярим аср давомида юзлаб мақолалар ёзди, маърузалар ўқиди, элликка яқин китоб ёзди. Тұғри, ҳозир олим яратган китоблардаги хамма фикрлар, қарашлар бейстисно замонага мос келади дея олмаймиз. Лекин олимнинг характер ҳақидаги қарашлари, назарий тадқиқотлари, бўш асарларни фош этиб ёзган ўти маколалари ҳамон кизикиш билан ўқилади.

Олим ижодини синчиқлаб кузатсангиз, кизиқ ҳолатларга дуч келасиз. 50-60-йилларда М.Құшжонов Ойбек, Абдулла Қаҳхор, Абдулла Қодирий роман, киссаларидаги асосий характерларни таҳлил килган бўлса, кейинчалик етук ўзбек роман, киссалари поэтикасини кент кўламда талқин қиласидиган бўлди. Мазкур ишлар асосида ҳамиша характерлар талқини масаласи туради. Олим характер муаммосини турли ракурслардан ёритишга интилди: характернинг барча томонлари, масалаларини очди. Назаримизда, М.Құшжоновнинг характерни англашдаги тушунчаси куйидаги таърифда ўз ифодасини топгандай: «Марксизм-ленинизм таълимоти шуни таъкидлайди, ҳар бир шахс ижтимоий ҳаёт маҳсулидир. Бу шак-шубҳасиз, аксиома. Аммо ҳар қандай жамият ҳам ҳар бир шахс тақдирини олдиндан белгилаб қўймайди. Ҳар бир кишининг ижтимоий ҳаёт негизидан, шунингдек, ўзининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқадиган, бошқаларникини тақрор килмайдиган, яхшими, ёмонми, ўзининг тақдирни, ҳаёт йўли бор. Лекин ижтимоий тузум кишилар тақдирининг мазмунини ўзгартириб, маълум бир йўналишга солиб туради»<sup>35</sup>. Мазкур таъриф характер асоси-индивидуал бетакрорлик, тийнат, фитратни ҳам; характерда акс этадиган ижтимоий муносабатларни ҳам камраб олади, муҳими, социалистик реализм методи адабиётда ҳукмрон бўлган

<sup>35</sup> Құшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Т.: Ўздавнашр, –1962. –Б. 28.

давр рухига ҳам зид келмайди. М.Құшжонов ишларида соцреализм методи ижодкор әркини чеклашидан зорланиш йўқ. Айни вактда, олим зинҳор соцреализм методио мафкуравий чекланиш доирасида қолиб кетмайди: илмий изчиллик, масала мөхиятига кириш М.Құшжонов тадқикотларининг асосини белгилайди. Олим Бутабой («Хукм» Сайд Аҳмад), Йўлчи («Кутлуғ қон» Ойбек), Навоий («Навоий» Ойбек), Саида («Синчалак» А.Қаҳҳор), Отабек ва Кумуш («Ўткан кунлар» А.Қодирий) характерини таҳлил қиласидими, масала илдизига киради-каҳрамон қалбининг қаъридаги асл хусусиятларни юзага олиб чиқади. Лекин олим мазкур қаҳрамонлар характерининг асосидаги иймон, инсоф, ҳалоллик, ўзганинг ҳақига хиёнат қилмаслик сингари фазилатлар асрлар давомида шаклланиб борганлигини рўй-рост айтмайди. Китобхонда шундай фикр пайдо бўладики, ижобий қаҳрамонлар аслида яхши эдилар, улар зинҳор ўзгармайдилар. Йўлчини Тантибоявачча бебилиска топилган пулга ўргатмоқчи бўлади, Нури норғул йигит Йўлчини бузуклик йўлига тортади, лекин табиати тоза, иймони бутун Йўлчи кингир йўлларга зинҳор бурилмайди. Муҳими, Йўлчи Гулнорни Қора Аҳмад панжасидан куткариб олгач, қиз билан якка-ёлғиз қолади. Шу пайтда ҳам Йўлчини шайтон йўлдан урмайди, у нафс райига эрк бермайди.

Социалистик реализм методининг мөхияти шундай эди, у ижобий фазилатлар ёмонликларга карши курашда намоён бўлишини такозо этарди. Йўлчи, Навоий, Саида сингарилар мөхияти салбий кучларга карши курашда очилмоғи жоиз эди. Мирзакаримбой, Ҳусайн Бойкаро, Қаландаров сингарилар ижобий қаҳрамонларга нисбатан «чарх» вазифасини ўташлари ёхуд салбий томонлари билан кўринишлари керак эди. М.Құшжонов талқинни шундай олиб борадики, китобхон салбий қаҳрамонлар табиатида инсоний фазилатлар, ўрнак бўладиган томонлар борлигини ҳис қила боради.

М.Құшжоновнинг характерни ёритишдаги ўзига хослиги учта масалада аниқ кўзга ташланади. Олим ҳар бир асарида аниқ, изчил вазифани белгилаб олади. Бошқача айтганда, характерни талқин килишда изчил «Йўлакча»дан боради. «Синчалак» қиссасини талқин килишга киришар экан, мунаккид-олим изчил мақсадини белгилаб олади: «Киши психологизмини яратишда А.Қаҳҳор ижодида яна бир муҳим хусусият бор. Бу киши ички дунёсининг диалектикасини чизишдан иборатdir. Бу ижодий услугб ёзувчининг бальзи бир ҳикояларида кўзга ташланади. Унинг «Сароб» романида эса, бу услугб тенденцияси кучлироқ сезилади. «Синчалак» повестида бу ҳолат ўз

камолотига эришди».<sup>36</sup> М.Кўшжонов «Сароб»ни ҳам, ҳам, ўзи таъкидлаганидай, ички дунё диалектикаси ну́ «Синчалак»ни талқин қилади. Лекин «Синчалак» талқинидаги руҳий касини очиш ўзига хос кўринишида намоён бўлади. Тадқикотида ёзувчи кечинмаларини қайта жонлантиради назаридан мадошлик йўлидан боради.

Бадий асарни ўкиш, аслида, уни ўзи учун қайтадан ижро китобхон асардаги воеа, ҳолатлар иштироқчисига айлатади; қаҳрамонларни жонлантиради, ҳаракатга келтиради, руҳий ҳолатларини ўзида уларнинг Б.Томашевский айтишича, «китобни ўкиб» биз уни хис этади. шаклига келтирамиз ёхуд уни гапиртирамиз, овоз ҳоли «ички нутк»

билингки, қаҳрамонлар ҳам китобхон инон-ихтиёрига айландими, ланади.

Бадий асарни ўкиш, хис қилиш китобхон-талқининг ёзувчи оламига кириб бориши жараёнидир. Ўкиш, хис этици оламнинг ёзувчи эмас, оламнинг ичидаги туриб фикрлашдир. Ўкиш-талқининг ҳакида ёзувчи руҳидан кечган ҳолатлар қайта жонлантирилади. М.Кўшжоновнинг «Синчалак» номли тадқикоти бадий кечинмадошликтарни яратишида мадошлик ҳолатидир. «Синчалак» асарини яратган А.Каҳорнинг олдиганлар А.Каҳорн кўёш нури ойга ўтятди. Ойнинг ўзига хос нуридан баҳра жоиз: канчадан-канча?!

Кечинмадошлик – бадий асар руҳини хис этици тадқикотида, ҳолатларни яратади, ҳамиша «Синчалак» талқинининг киппаб иқтибослар келтиради. М.Кўшжоновнинг «Синчалак» матнига якин тутиши керак бўлади. М.Кўшжоновнинг «Синчалак» талқинининг келмайди. Аксинча, талқинчи карашлари асар матни билан ойга малол бирлашиб ўзига хос маънавий-руҳий озуқа тайёрлайди, кўшилиб,

Матёкуб Кўшжонов ижодининг бетакрор томонидан яна бири кон», «Навоий», «Сароб», «Ўткан кунлар», «Дунёнинг иштари», «Кутлуг матн таҳлили етакчилик килади. Матнга якин бўлиш – М. Кўшжонов

<sup>36</sup> Кўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Т.: Ўздавнашр, –1962. –Б. 46.

асарларининг ҳаётйлигини, жозибасини белгилайди. М.Қўшжонов нега соцреализм конун-қоидалари доирасида қолиб кетмади, нега мафкуравий даъватларга берилмади? Олим ҳамиша жонли ҳолат – бадиий матнга суюниб иш олиб борди. М.Қўшжонов ёзишга эмас, ёзишдан олдинги ҳолат – укиш, англашга жиддий эътибор беради. Назаримда, М.Қўшжонов талқин қиласиган асарлари матнини ёдлаш дараражасида ўзлаштиради.

«Мунаккидлик ва адабиётшуносликка киришимда ўзимга йўл танладим деб ўйлайман. Москвада ўқиган пайтларимда матн устида ишлашни ўзимга шарт килиб кўйдим. Шу максадда асарни ўкиб, «асар» яратишга уриндим. Аксарият ҳолларда бирор ҳикояни 1-2 марта ўкийман-да, китобни ёпиб ўша асарни кайта ёзаман. Кейин асл матн билан солишираман ва йўл қўйган камчиликларимни англаб оламан. Камчиликларимни ҳисобга олиб иккинчи марта ёзишга ўтираман ва яна матнга солишираман. Кўнглум тўлгунча бу жараён давом килади. Шу йусинда матнга нисбатан муҳаббат туйгуси шаклланди менда. Асарни таҳлил килганда асл маънога нисбатан ҳар бир сўз, ҳар жумла, ҳар бир тиниш белгисининг ўрни қай даражада эканини англайдиган бўлдим. Менинг илк бора «Звезда Востока» журналида эълон қилинган «Формирование характера» номли маколам шу услубда яратилган. Ҳанузгача мен шу услубга содикман...

Мен 50 йил давомида 40 га яқин китоб ва рисолалар, 500 га яқин мақолалар эълон килдим. Умуман олганда, мен ижодимдан каноатланаман... Менда каноат ҳосил килган асарларим, асосан, матн таҳлилига бағищланган»<sup>37</sup>.

Шўро даври ўзбек тадқиқчилигига матнга бепарво муносабатда бўлиш авж олди. М.Қўшжоновга ўхашаш бир неча танқидчилар матнни укиш, таҳлил килишни мукаддас билдишлар. Олим бадиийлик дараражасига етмаган матнларни таҳлил килишда ҳам шижоат кўрсатди. Матннинг бадиий эмаслигини айтиш учун билим, укув, маҳоратдан ташқари жасораг, фидоийлик булиши керак. М.Қўшжонов ўз ижоди давомида канчадан қанча матнларнинг бадиий эмаслигини, эмоционал таъсиридан йирок эканлигини рўй-рост айтди. Мана шундай вазиятда танқидчи услубининг асосий хусусиятлари кўзга яққол ташланади. Хўш улар нималардан иборат? Биринчидан, танқидчининг дадиллиги, маstryулият бурчини теран ҳис килиши. Заиф асарни ҳамма, жумладан, танқидчилар ҳам ўқиди. Лекин баъзи танқидчиларгина заиф асарнинг ожизлигини очик-ойдин айтади.

<sup>37</sup> Қўшжонов М. XX аср менинг тақдиримда. //Жаҳон адабиёти, -2001, -№ 1. -Б. 13-14.

Бошқача айтганда, танқидчи била-құра туриб үзини үтга уради, жангга киради. Ёзувчи ҳам одам, үз шаңни учун курашади. Қолаверса, яхшими – ёмонми асар-ёзувчи фарзанди. Ҳагто құнғиз боласини оп-попим, типратикон юмшогим, деган экан. Танқид килинган асар муаллифи танқидчини үз душмани деб билади. Шундай экан, жанг майдонига кириш, худбинона үйлаганда, үзига душман орттириш кимга зарур? Танқидчининг асли ҳақиқатни айтиш, жанговарлиги билан танилади. Жанговарлик танқидчининг бош белгиси эмас. Шундай танқидчилар бұлғанки, жанговарлиги билан танилган бұлса-да, танқид қилинаётган асар ҳақида асосли фикр-мулоҳаза айтолмай мулзам бұлған. Матеқуб Құшжонов нафакат жангга дадил киради, у ракиби курагини ерга текказади: шундай далил, исботлар келтиради, китобхон асарнинг заиф эканлигига ишонади. Танқид қилинаётган асар муаллифи, тилида бұлмаса-да, дилида танқидчига тан беради. Танқидчини галабага олиб келган асосий омил унинг билими, мушоҳадасининг кенглигидир. М.Құшжонов Ю.Шомансурнинг «Қора марварид», Сайёрнинг «Хұлкар» киссалар түпламини, Мирмұхсиннинг бир қанча асарларини, Иброҳим Раҳимнинг «Одам қандай тобланди» романини асосли танқид килған. И.Раҳим романнинг танқиди учун мунакқид ғаройиб усул танлаган. У ёзувчини майдонга таклиф қылған, фикрларини очик хат шаклида, бетта айтганинг захри йүк кабилица ифода этган. Далил сифатида М.Құшжоновнинг «Давр талаби ва ижод масъулияты» (Иброҳим Раҳимга очик хат) маколасидан құчирма келтирамиз:

«Сиз суддан кейин уни («Одам қандай тобланди» романнинг қаҳрамони Эркин ҳақида ғап боряпти – А.Р.) катта курилишга кетаётган йұловчиларға құшиб құясиз. Мана үша сатрлар. «Оркамдан грузовик келди. Кузовда беш-олти одам. Мени үз ёнларига таклиф килишди. Қаёкка боришлиарини ҳам сұрамай уларға құшилиб олдим».

Нега йұловчилар уни таклиф қилишди? Йұлда бошқалар ҳам бор эди-ку! Нега у суриштирмасдан машинага чиқади? Наҳотки унинг учун қаёкка кетишнинг фарқи бұлмаса? Телба одамларгина шундай килиши мүмкін. Сиз «қаҳрамоннинг ҳолати шундай зди» дерсиз. Үндай бұлса, қаны үша ҳолат тасвири? Құрамизки, қаҳрамоннинг хатты-харакати унинг ички руҳиясидан узоқда. Сиз уни ГРЭС курилишига жұнатмоқчисиз, уни йұлға чиқардингиз, юқ машинасина тұхтатдингиз, ичидаги одамларға таклиф қылдирдингиз, уни машина-га чиқариб қўйдингиз... Манзилга егіб боргач ҳам таклиф қилғанлар

«биз билан ишлайверасан...» дейиши. У «енг шимариб ишга» тушади. Қаҳрамонингиз бунча осон кўнувчан бўлмаса?!...»<sup>38</sup>.

Мунаккид назарий лавхалар яратадими, адабий шарҳлар битадими, такриз ёзадими, ҳамиша характер муаммосини диккат марказида тутади. М. Қўшжоновда зийрак одамларга хос ҳис этиш (интуиция) туйғуси кучли. 70-йилларда у интерпретация таълимоти кучаяётганини ҳис қилди, маъно бадиий асардаги асосий моҳият эканлигини англади. 1974 йилда яратган асарини «Маъно ва мезон», 1977 йилда чоп эттирган тўпламини «Моҳият ва бадиият» деб атади. «Маъно ва мезон» китобида энг кўп кўлланган сўз «маъно»; «умуман маъно излаб топиш»; «катта маъно бахш этмасдан»; «киссаларда маъно бордек сезилса»; «Маънонинг шу хилда тарқоқ булиши ҳам маъносизликнинг бир кўринишидир»; «Тарихдан ҳам маъно излаш зарур»; «деган маъно чикараётгандек бўлади»; «шу маънода асар яхши ният билан ёзилган»<sup>39</sup>.

М. Қўшжонов маъно ҳакида кўп гапиради-ю, фикрни талқин-у баҳолашга эмас, асар ғоясига келтириб боғлайди. Лекин баъзан олимдаги ички сезги талқиннинг муҳим узагини англайди:

«Демак, ҳар бир асарга ва ҳар бир образнинг талқинига конкрет шу образ маъноси, умуман асар маъноси, унда тасвирланаётган гўзаллик талаби нуктани назаридан ёндашилсаннига тўғри хулоса чиқариш мумкин»<sup>40</sup>.

М. Қўшжонов – характершунос олим. Лекин унинг асарларида фоя масаласига алоҳида аҳамият берилади. Фоя ҳакида гапириш, табиийки, соцреализм ҳакида мулоҳаза юритиши, коммунистик мафкурага эътибор бериш деган маънони англатарди. Олим композиция ҳакида кўп тўхталинган, назарий лавҳа ёзган. «Ҳакиқатан ҳам бадиий асарларда кўпинча композицион марказ унинг ғоявий асоси билан мос келади. Ҳатто А. Толстой ёзувчининг «диккат маркази» терминининг моҳиятини очиб бериш учун уни бошқа сўзлар билан «маъно», «идеология» деб атайди. Бу табиий ва конунийдир»<sup>41</sup>, – деб ёзади М. Қўшжонов. Худди шу фикрни мунаккид «Ойбек маҳорати» китобида ҳам (1965 йил, 306-саҳифа) тақрорлайди. Биз зинҳор М. Қўшжонов ижодини социалистик реализм йўсенинда давом этгани, коммунистик мафкурани тасдиқлагани учун камситиш ниятимиз йўқ.

<sup>38</sup> Қўшжонов М. Ижод маstryяни. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1981, –Б. 222-223.

<sup>39</sup> Қўшжонов М. Маъно ва мезон. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1974. –Б. 20-21.

<sup>40</sup> Қўшжонов М. Маъно ва мезон. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1974. –Б. 46.

<sup>41</sup> Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Т.: Ўздавнашр, –1962. –Б. 116.

Ўша пайтда бошқача йўл тутиш мумкин эмас эди. Лекин Матёкуб Қўшжонов ва унга ўхшаш синчков олимлар бадиий адабиёт соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берәтганини хис этганлар. 70-80 – йилларда реализм, соцреализм ҳақидаги карашлар изчил давом эттирилар эди. Лекин М.Қўшжонов «ҳаётни ҳақконий қўрсатиш» деган тушунча ҳакида мулоҳаза юритади, мухими, кизик хуносага келади. Ўйлаб кўрилса, М.Қўшжонов модерн адабиёт хусусиятини англаб етган, бу адабиётнинг замини мустаҳкам бўлишини хис этган. Бошқача айтганда, мунаққид ҳаётда қандай бўлса, шундай акс эттиришга, изчил реализмга унчалик мойил эмас:

«Санъатдаги товуш, оҳанг, бўёк, шакллар, балий адабиётдаги сўз билан яратилган воеалар ҳаётга «таклид». Аммо улар айнан таклидинг ўзи эмас. Санъаткор ва ёзувчи ҳаёт материалини ўзининг санъаткорлик тафаккуридан ўтказади, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор сўзи билан айтганда, «кайта бичиб, кайта тикади». Аникроғи, санъаткор ҳаёт материалини «кайта ташкил қиласди», «кайта ташкил қилиш» пайтида санъаткорларнинг ўзлиги намоён бўлади. У шунчаки «таклид», оддий «қўчирма» яратмайди. «Қайта бичиб, кайта тиккан» пайтида ёзувчи дунёкараши, ҳаёт идеали ишга солинади. У ҳаётдан ўз идеалини тасдиклайдиган томонларни танлайди... Демак, адабиёт ва санъат ҳаётнинг оддий «таклиди», оддий «қўчирмаси» эмас, балки ёзувчи дунёкараши, унинг идеали билан сугорилган «таклиди» ва «қўчирмаси»дир»<sup>42</sup>.

Матёкуб Қўшжонов 80-йилларда адабий жараённи таҳлил этди. Мустакиллик йилларида М.Қўшжоновнинг «Ўзбекнинг ўзлиги», «Абдулла Орипов» сингари илмий асарлари чоп этилди. Мунакқид А.Қодирий, А.Орипов ва бошқа санъаткорлар ижодини янгича талқин кильмоқда. Ҳануз олим асарларни талқин ва таҳлил килишда характер муаммосини асос килиб олмоқда. Муалиф «Элим деб, юртим деб...» рисоласида характерни талқин килишнинг янги йўсинини танлаган. Олим ўз услубини тасдиклаб бормоқда.

Услуб – ўзлик. Услуб – характернинг ботиний суврати. Услуб, кайсиdir матьнода, тақдир. Машхур кишиларнинг илк илмий-ижодий қадамлари билан охириги қадамлари, излари аро узвий бирлик, боғлиқлик бўлади. Иззат Султонов, масалан, 30-йиллардаёқ адабиёт назариётчиси сифатида танилган эди. Узок умрининг охиригача олим назария муаммолари билан шугулланди. Матёкуб Қўшжонов ўзбек адабиётшунослигига характер муаммосини олиб кирди. У ўнлаб

<sup>42</sup> Қўшжонов М. Маъно ва мезон. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1974. –Б. 159.

ёзувчилар, шоирлар ижодини характер муаммоси нуктаи назаридан ўрганди. Озод Шарафиддинов илк китобидаёк қалб, поэзия масаласини кўтаргган эди. Олимнинг барча асарлари, мақолаларида қалб билан боғлик муаммолар кўтарилади. У биринчи китобида ёзган эди: «Босиб ўтган ҳаёт йўлингни, эл олдидаги карзингни ўйлаб кетмайсанми? Ёхуд севимли ёринг сенга хиёнат килса, умидларингни чиппакка чикарса, изтиробга тушмайсанми? Биронинг қабиҳлигини кўриб газабга келмайсанми? Бу хисларинг ҳаммаси поэзиянинг кенг ва сахий қалбидан нурланиш чикиши мумкин»<sup>43</sup>.

Поэзия – қалб изҳори, унинг нурланишлари, рангланишлари, оғриклиари... О.Шарафиддинов сўз санъатининг барча турлари ҳакида ёзди. Лекин олим борлиғи поэзия талкинида тўларок, тўқисроқ намоён бўлади. Ярим асрлик ўзбек поэзиясининг талкин ва таҳлили Озод Шарафиддинов макола, тадқикотларисиз кемтик, файзсиз бўлиб колади. Олим табиатан ҳам қалб, эҳтирос кишиси. Юраги буюрганини килиб, қалби унданганини айтиб, у неча бор ёмонотлик бўлмади, дейсиз? Мана, битта мисол. «Тирик сатрлар»нинг кийин кисмати» мақоласида О.Шарафиддинов ёзди: «Зиёлиларнинг шаҳар йигилишида ...

Марказкүмнинг мафкура бўйича котиби Рафиқ Нишонов маъруза килди ва бошқалар қагори мени ҳам Чўлпонни тирилтиришга уринаётганим «мафкуравий калтабинлик» ва ҳатто «мафкуравий диверсия эканини айтди ҳамда ҳали «Чўлпонни ўрганадиган вакт келгани йўқ» деди. Мен ўрнимдан туриб савол бердим: «Совет ҳокимиятининг ярим асрли тўйини кечагина нишонладик. Чўлпоннинг оқланганига ҳам 12 йилдан ошиди. Сизнингча, яна неча йиллардан кейин Чўлпонни ўрганишни бошласак бўларкин?». Савол Рафиқ Нишоновга ёқмади. У ношуд ўкувчининг маъносиз саволига жавоб берадигандай жеркиб берди: «Мен хронологик маънода айтадиганим йўқ. Яна канча керак бўлса, шунча кутасиз!»<sup>44</sup>.

Озод Шарафиддинов – эҳтиросли инсон, қалб кишиси. Лекин унинг гаплари, маколаларида ҳароратга, жўшқинликка йўғрилган тиниқ фикр, нозик мушоҳада, теран акл ҳамиша етакчилик киласи. Қалб ва акл -мунаққид О.Шарафиддинов услубининг асоси. Унинг асарларида дадиллик, ишонч узок-узоқни кўра оладиган акл нури билан йўғрилган. Ижодининг бошланишидаёк у Чўлпон ижодини севди, мана шу санъаткор асарларисиз XX аср ўзбек адабиёти кемтик бўлиб қолишини чуқур англааб етди. Устига устак КПССнинг XX

<sup>43</sup> Шарафиддинов О. Замон. Қалб. Поэзия. –Т.: Ўззадабийнашр. –1962. –Б. 30.

<sup>44</sup> Шарафиддинов О. Сардафтар сахифалари. –Т.: Ёзувчи, -1997. –Б. 57.

съездидан кейин Чўлпоннинг хам меросини ўрганувчи комиссия тузилди. «Комиссия раиси Ёзувчilar уюшмасининг ўша пайтдаги биринчи котиби Баҳром Раҳмонов, аъзолари эса Уйғун, Мирзакалон Исмоилий, Ғулом Каримов ва мен эдим»<sup>45</sup>, – деб ёзди О.Шарафиддинов. Мунакқид Чўлпон ижодини элга танитиш учун ўттиз йилдан ортиқрок муттасил ҳаракат килди: не-не маломатларга, пўписаларга, тазикларга учрамади? 12 йилдирки О.Шарафиддинов, бошка тадқиқотчилар катори, Чўлпон адабий мероси ҳакида тадқиқотлар яратмоқда.

Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорни инсон, истеъодли санъаткор сифатида севди. Бу инсоний садоқатнинг самараси ӯлароқ ўнлаб макола, портрет, такризлар яратилди. «Абдулла Қаҳҳор» номли китобда Озод Шарафиддиновнинг жаҳон адабиёти ҳакидаги кенғ билими, биографик асар ёзишдаги укуви, архив материалларини синчковлик билан ўрганишдаги сабр-токати, ижод психологиясидан кенг илмга эгалиги намоён бўлди. Муҳими, Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорни Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом даражасидаги санъаткор эканлигига ишонади. Абдулла Қаҳҳорга яқин бўлғанлиги учун хам О.Шарафиддинов неча бор куткиланди. Абдулла Қаҳҳор хам, унинг ижоддаги ракиблари хам ўтиб кетдилар. Абдулла Қаҳҳор ижодини, асарларини эмин-эркин талқин қиласидиган, холис баҳолайдиган замонлар келди. Қарангки, Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини бошқача талқин килиб, ўзгача баҳолайдиганлар ҳозир хам пайдо бўлжапти. Озод Шарафиддинов «Чинорлардан бири...» маколосида ўқинч билан қўйидагиларни ёзди: «Бугун бу улуғ инсон ва улуғ адибнинг таваллуд кунлари унинг хотирасини ёдлаб ўтириб, бир нарсани ўлаб кетдим; хар қалай, нима учун унинг тўғрисида босиқлик ва холислик билан ёзиш ўрнига хом-хатала гапларни айтяпмиз. Унинг ҳакида бунака гапларни янги тафаккур меваси сифатида тақдим этяпмиз. Менимча, бу янги тафаккур эмас, аксинча, эски тафаккурнинг таъласаларидан ўзга нарса эмас. Гап шундаки, социалистик тузум ҳаммамизни хам мантиқ конуниятлари асосида эмас, муайян қолиллар асосида фикрлашга ўргатиб қўйган эди. Биз хамма нарсага синфиийлик нуқтаи назаридан каарэ эдик. Синфиийлик эса факат иккита рангни оқу-корани, яхши-ю ёмонни тан оларди.

Кимки биз билан бўлмаса, у бизнинг душманимиз. Бугун хам шу, рангпастлик ҳакикатни тугал кўришимизга халақит бермаяп-

<sup>45</sup> Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. –Т.: Ёзувчи, –1994. –Б. 37.

тимикин? Ёки Герострат шуҳратига эришиш иштиёки ғолиб келиб кетадими?»<sup>46</sup>.

Озод Шарафиддиновнинг юқоридаги фикрлари ўзбек танқидчиларига йўналтирилган. Мунаккид О.Шарафиддинов ўзбек танқидчилиги козонида кайнади, ўзбек адабий-танқидий мұхитида шаклланди. Ўзбек танқидчилиги, мунаккидлари ҳакида Озод Шарафиддиновдан кўп ёзгани камдан-кам топилади. «Чўлпонни англаш» китоби, «Гўзаллик излаб» асаридаги «Адабий танқид муаммолари» бўлими, «Ҳақиқатга садокат» китобидаги «Янги авлод тўлкини»,

«Адабий танқид замон хизматида» мақолалари ўзбек адабий танқидчилиги тарихи, муаммолари, авлодлари ҳакида. Бундан ташқари, О.Шарафиддинов Чўлпоннинг, Ойбекнинг адабий-танқидий қарашлари ҳакида, Отажон Ҳошимнинг ижод йўли тўғрисида тадқиқотлар яратган. Танқид тарихи, хусусан, ўзбек танқидчилиги тараккиёти йўлини, унинг намояндалари ижодини тўлиқ билиши Озод Шарафиддинов услубининг ёркин кирраси хисобланади. У адабий танқидчидаги масъулият ҳиссини, кенг фикрлиликни, бетакрор услубни юксак қадрлайди. Мисолларга мурожаат қиласиз. «Чўлпон танқидий фаoliyati билан эстетика соҳасида янги бир таълимот яратишни мақсад килиб кўймаган бўлса-да, унинг маколаларини ички яхлитликдан маҳрум, ҳар хил йилларда ҳар хил муносабатлар билан ёзилиб, ҳар хил нарсалар тўғрисида баҳс юритувчи пароканда асарлар йигмасидан иборат деб караш мумкин эмас. Аксинча, ҳар бир маколанинг югурик мисралари ортидан Чўлпоннинг ўзи караб тургандай бўлади. Ҳар бир маколада Чўлпон шахсиятининг аник мухри борки, ҳудди шу нарса уларни яхлит бир ҳолга келтириб туради». Алишер Навоий тўғрисидаги «тадқикотда Ойбекнинг билими гоят чуқур экани, фикрлаш доираси бениҳоя кенглиги, мураккаб ва чигал масалаларни дадил кўя олиши аник кўринади».<sup>48</sup>

И.Султон ҳакида О.Шарафиддинов бундай ёзади: «... адабиёт-шунос ва мунаккид асарларини ҳалқ учун ардокли қиладиган зарур шароитлардан бири – уларда ўзак масалалар кўтарилиши билан бир каторда, бу масалалар ҳакида айтиладиган фикрнинг теранлигига ҳамдир. И.Султонни ўзбек адабиётшунослигининг отахон арбобига айлантирган асосий сифат ҳам ҳудди шунда – унинг асарлари ҳамиша теран фикрларга бой бўлади. Олим адабиёт фактларини жуда

<sup>46</sup> Шарафиддинов О. Сардафттар сабабларни. –Т.: Ёзувчи, –1999. –Б. 155-156.

<sup>47</sup> Шарафиддинов О. Истиблол фидойилари. –Т.: Шарқ, -1993. –Б. 43.

<sup>48</sup> Шарафиддинов О. Ҷаёт билан Ҳаминафас. –Т.: Ёш гвардия, –1983. –Б. 19.

яхши билади, лекин уларни ҳеч қачон курук санаш билан ёхуд уларга шунчаки изоҳ бериш билан чекланиб колмайди. У бирон бир конкрет асарга тақриз ёзадими, адабиётнинг бирор жанрига обзор берадими, проблематик мақола ёзадими, барибир, адабиёт ҳакида чукур фикрлар айтишга, фактлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини очишга ҳаракат килаади»<sup>49</sup>. И.Султон услуби ҳакида айтилган фикрлар мана бу – М.Қўшжонов ижодининг асоси тўғрисидаги қарашларга ҳамоҳанг: «М.Қўшжоновнинг маколалари фикрий теранлиги билан ўкувчини ўзига ром килади. Ундаги энг яхши томонлардан бири шундаки, мунаққид конкрет асарни таҳлил килар экан, ҳатто асардаги бирор қаҳрамон ёхуд персонаж тўғрисида сўзлар экан, китобхонга сездирмай, уни жузъий масалалардан умумий масалаларга етаклайди, энг муҳим назарий проблемалар ҳакида ўйлашга ундейди... М.Қўшжоновнинг маколалари ўзи фикрга бой бўлгани учун ҳам ҳамиша китобхоннинг фикрини уйғотади, уни интеллектуал активликка чорлайди. Фикр ғойибдан келмайди, албатта. М.Қўшжонов маколаларидағи фикрий теранлик нинг ҳам ўз манбалари бор – буларнинг бири билимнинг чукурлиги, адабиётшунослик илмиининг ҳамма ютукларидан боҳабарлик, иккинчиси эса, ҳаётий тажрибанинг зўрлиги. М.Қўшжонов кечаги қуниизни ҳам, бугунги ҳаётни ҳам беш бармоғидай яхши билади»<sup>50</sup>.

О.Шарафиддинов Иброҳим Faфуров ижоди ҳақида ёзар экан, фикрий теранлик масаласини бошқачарок тарзда ифодалайди. Иброҳим Faфуров «ўзини ижодкорга ақл ўргатувчи донишманд деб хисобламайди, аксинча, ҳар маколада санъаткор шахсиятига, унинг ноёб истеъодига теран ҳурмат, самимий муҳаббат билан қалам тебратади. Лекин бу ҳурмат ва муҳаббат курук мактovлarda, муболагали олкишларда, кўпиртирилган баҳоларда намоён бўлмайди. Мунаққид санъаткор асари баҳонасида ҳаёт ва ижод тўғрисида мустакил фикрлайди, фикрлаш жараёнида эса китобхон куз ўнгидаги санъаткор шахсиятининг ўзига хос кирралари ҳам, ижоднинг машакқатли ва айни чогда сурурли онлари ҳам, асар вужудига сингиб кетган гўзаллик ва маънодорлик ҳам очилиб боради. Иброҳим санъаткор ва унинг асари тўғрисида мулоҳаза юритар экан. Йўл-йулакай шундай умумлашмалар чиқарадики, уларда санъатнинг умумий муаммолари, моҳиятли масалалари лўнда ва ихчам ифодаланган булади»<sup>51</sup>.

<sup>49</sup> Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб...» -Т.: Адабиёт ва санъат, -1985. -Б. 192-193.

<sup>50</sup> ўша асар. -Б. 218-219.

<sup>51</sup> Шарафиддинов О. Ҳакикатта садоқат. -Т.: Адабиёт ва санъат, -1989. -Б. 346.

рини кенг ёритади. Шу маколада у истеъдод ва унинг табиати ҳакида нозик кузатишларини кўрсатиб беради.

Мунаккиднинг «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси», «Шеър кўп, аммо шоир-чи?», «Бир тилда гаплашайлик», «Генерал Равшанов» романни ҳақида», «Магзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч!» мақолаларида дадиллик, курашга унданған фикр, масъулият ҳисси кўзга аник ташланади. О.Шарафиддинов «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» (Ў.Умарбеков). «Шеър маълумоти ва фикр равонлиги» (Сафо Очил), «Ўзбекнома» (Б.Бойқобилов), «Генерал Равшанов» (И.Рахим) асарлари ҳақида салбий мақола ёзган экан, демак, у асарлар баҳонасида ўзининг эстетик карашларини, адабий-танқидий эътиқодини баён этган. О.Шарафиддинов асар ҳақида танқидий фикр айтар экан, зинхор муаллифга бўлган антипатиясини билдирумайди. Бўш асарлар танқид қилинган мақолаларида у жиддий, муҳим муаммоларни ўргага ташлайди. Аникроғи, битта асар ҳақида билдирилган фикрлар адабиётимизда илдиз отиб кетиши мумкин бўлган салбий тамойиллар олдини олади. Фош қилувчи маколада мунаккид ўта жиддийлик билан мулоҳаза юритади, ҳар бир далилни атрофлича исботлашга интилади.

О.Шарафиддинов – XX асрнинг II ярмидаги ўзбек танқидчилигининг ёрқин намояндаси. Лекин айтилганлардан О.Шарафиддинов ҳар томонлама идеал танқидчи деган фикр чиқиши керак эмас. Мунаккид – ўз даврининг кишиси. Унинг ижодида мумтоз адабиёт ҳақида ёзилган жиддий тадқикот учрамайди. Ваҳоланки, М.Шайхзода, И.Султон, Ҳ.Ёкубов, И.Ғафуров, И.Ҳаккуловлар ҳам замонавий, ҳам мумтоз адабиёт ҳақида мақолалар ёзганлар. Озод Шарафиддинов А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Матжон, Абдулла Шер сингарилар ижоди ҳақида бир қанча мақолалар ёзди-ю, Н.Эшонқул, А.Кутбиддин, Чўлпон Эргаш ҳақида ёзмади. Бошқача айтганда, Озод Шарафиддинов ўзбек модерн адабиёти ва унинг намояндалари ҳақида фикр билдирумайди. Эҳтимол, Озод Шарафиддинов ўзбек модерн адабиёти чукур мулоҳазаларга материал беролмаслигини хис қилгандир. Беайб парвардигор деганимиздай, О. Шарафиддинов ижодида маромига етмаган портретлар, биографик очерклар бор. Лекин, барibir, О.Шарафиддинов XX аср ўзбек танқидчилигининг ўз киёфасига, услубига эга бетакрор намояндасидир.

Адабий танқидда қадимдан учта услубий йўналиш бўлган: фалсафий, публицистик ва шоирона. Ўзбек танқидчилигига ҳар учала йўналишдаги танқидчилар мавжуд.

Матёкуб Құшжоновда эстетик – публицистик, Озод Шарағиддиновда ҳиссий-образлы ёхуд шоирана услуга күзга ташланади.

Адабий танқиддаги барча услублар адабий жараённи таҳлил, талқин килишга йұналтирилған бўлади. Ҳар бир танқидчи үзига хос усулда адабий жараённи таҳлил, талқин килади, асарларни баҳолайди.

## ҚҰЛЛАНМАГА ИЛОВА

*“Микроанализ икониятлари” бүйича саволлар.*

1. “Матннинг адабий-танқидий таҳлили” деганда нимани тушунасиз?  
“Матннинг лингвистик таҳлили” деганда-чи?
2. “Синчиклаб ўқиши” микроанализнинг ўзига хосликлари нималарда намоён бўлади?
3. “Синчиклаб ўқиши” тарихий-функционал ёндашувнинг ишончли йўли эканлигини исботланг.
4. Ҳамза асарларига мафкуравий ва микроанализ бўйича ёндашув.
5. Абдулла Қаҳҳор асарларини таҳлил қилиш боскичлари.
6. “Сароб”нинг ҳар хил “ўқилиши”, “таҳлил килиниши”: дунёкараш, услугуб, дид масалалари.

*“Таҳлил услуги” боби бўйича саволлар.*

1. Адабий танқидчи услуги ёҳуд таҳлил услубининг умумий томонларини айтиб беринг.
2. Бадиий характер нима? Унинг тарихи ҳакида сўзланг.
3. М.Кўшжонов услугбининг етакчи хусусияти нимада?
4. Матн ва кечинмадошлиқ; матн ва мафкуравий ёндашув муаммосига муносабатингиз.
5. Шеърий матнни таҳлил қилишнинг ўзига хосликлари нимада кўринади?
6. О.Шарафиддиновнинг услугбининг етакчи хусусиятлари нимада?
7. О.Шарафиддиновнинг таҳлил услуги ҳакидаги карашлари.
8. Услуб ва адабий танқид жанрлари аро боғлиқликни гапиринг.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
2. Егоров Б. О мастерстве литературной критики. Л.: Советский писатель, 1980.
3. Проблемы теории литературной критики. М.: Изд. МГУ, 1980.
4. Содик С. Сўз санъати жозибаси. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
5. Щукина Т.С. Теоретические проблемы художественной критики. М.: “Мысль”, 1979.
6. Фромм Э. Душа человека. М.: Республика, 1992.
7. Хайдеггер М. Разговор на просёлочной дороге. М.: Высшая школа. 1971.
8. Художественная коммуникация и семиотика. М.: “Наука”, 1986.
9. Қўшжонов М. Ижод сабоклари. Т.: “Ёш гвардия”, 1973.
10. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. Т.: “Ёзувчи”, 1994.
11. Ҳаккулов И. Шеърият – руҳий муносабат. Т.: Адабиёт ва санъат. 1989.

## МУНДАРИЖА

Бадиий таҳлил йўллари .....	3
Микроанализ имкониятлари.....	6
Таҳлил услуби .....	24
Кўлланмага илова .....	44
Адабиётлар рўйхати .....	45

Босишга руҳсат этилди 9.07.2003. Хажми 3 босма табобк.  
Бичими 60×84 1/16. Адади 150 нусха. Буюртма 291.  
М.Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.

